


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Алиқулов Р.В., Аллабердиев Ф.Ҳ., Кенжаев Д.Р.**

**«АЛКАЛОИДЛАР КИМЁСИ»**



**“Сурхон нашр”  
Термиз- 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Алиқулов Р.В., Аллабердиев Ф.Ҳ., Кенжаев Д.Р.**

**АЛКАЛОИДЛАР  
КИМЁСИ**

“Сурхон нашр”  
Термиз  
2016

Аликулов.Р.В., Аллабердиев Ф.Х., Кенжаев Д.Р. “Алкалоидлар кимёси”. Термиз, 2016, 108 б.

Ўқув қўлланмада Colhicum L. и Merendera R. ўсимликларидан ажратиб олинган алкалоидлар ва уларнинг ҳосилаларининг тадқиқотлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштиририлган. Ушбу қўлланмадан кимё таълим йўналиши бакалаврлари, магистрлар ва алкалоидлар кимёси соҳасида фаолият юритаётган илмий ходимлар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма бажарилиши 2012-2016 йилларга мўлжалланган давлат фундаменталь-тадқиқот дастурлари доирасидаги Ф-7-29-сонли «Марказий Осиёда ўсадиган Colchicum L. ўсимликлари алкалоидлари ва уларнинг тадқиқоти» илмий лойиҳаси маблағи ҳисобидан нашр қилинган.

Маъсул муҳаррир:

Термиз давлат университети  
кимё кафедраси профессори,  
кимё фанлари доктори Тураев Х.Х.

Тақризчилар:

Қарши давлат университети табиий фанлар факультети кимё кафедраси мудири, кимё фанлари номзоди, доцент Камолов Л.

Термиз шаҳар 2-сон академик лицей директори, биология фанлари номзоди, доцент Жумаев Х.К.

Ўқув қўлланма Термиз давлат университети кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (29.04.2016 йил баённома № 9).

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>ІБОБ.АЛКАЛОИДЛАР.</b>	
1.1 Алкалоидлар ва таркибда алкалоид сақловчى маҳсулотлар таснифи.....	5
1.2 Алкалоидларни анализ қилиш усуллари.....	10
<b>ІІ БОБ.COLCHICUM KESSELRINGI ВА COLCHICUM LUTEUM ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АЛКАЛОИДЛАРИ.</b>	
2.1. Трополон алкалоидлари.....	16
2.2. Гомоапорфин алкалоидлар.....	19
2.3. Гомопроапорфин асослари.....	24
2.4. Colchicum L. гомопроапорфин асослари.....	40
2.5. Colchicum luteum baker алкалоидлари.....	41
<b>ІІІ БОБ.COLCHICUM KESSELRINGI ВА COLCHICUM LUTEUM ЎСИМЛИКЛАРИ АЛКАЛОИДЛАРИНИНГТАДҚИҚОТИ.</b>	
3.1. Colchicum kesselringi ўсимлигининг алкалоидларини ажратиш.....	49
3.2. Colchicum luteum ўсимлигининг алкалоидларини ажратиш.....	52
3.3 Оқ савринжон илдизмеваларидан алкалоидларни ажратиш.....	55
3.4. Оқ савринжон (C kesselringii Rgl) гулидан алкалоидларни ажратиш.....	56
3.5. Оқ савринжон уруғидан алкалоидларни ажратиш. ....	58
3.6. Сарик савринжон илдизмевасидан алкалоидларни ажратиб олиш...	61
3.7. Сарик савринжон гулларидан алкалоидларни ажратиб олиш.....	62
3.8. Сарик савринжон уруғидан алкалоидларни ажратиб олиш. ....	64
<b>ІV БОБ.COLCHICUM KESSELRINGI ВА COLCHICUM LUTEUM ЎСИМЛИКЛАРИ                           АЛКАЛОИДЛАРИНИНГТУЗИЛИШИНИ ЗАМОНАВИЙ ФИЗИК ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ</b>	
4.1 12-Деметилрегеколиннинг тузилишини ўрганиш.....	67
4.2 Регеколхиннинг тузилишини ўрганиш.....	71
4.3 12-Деметиллутеиннинг тузилишини ўрганиш.....	76
4.4. 12-Деметилрегелиненоннинг тузилишини ўрганиш.....	80
4.5. Лутергиннинг тузилишини ўрганиш.....	85
4.6. Лутергининнинг тузилишини ўрганиш.....	90
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>95</b>

## Кириш

Лолагулдошлар (*Liliaceae*) оиласига кирувчи ўсимликлар таркибида колхицин ва бошқа трополон алкалоидлари сақловчи қатор ўсимликларни ўз ичига олади. Фарбий Европа систематикасида улар бир *Wurmbaeoideae* оиласига киритилган. Алкалоидлар- таркибида азот атоми тутган ва кўчилиги кучсиз асос хусусиятига эга бўлган табиий бирикмалар ҳисоблансада, нейтрал ва кучсиз кислотали хусусиятга эга бўлган бирикмалардир. Уларнинг кўпчилиги гетероциклик тузилишга эга бўлиб, асосан ўсимликлар таркибида учрайди. Кўпчилик алкалоидлар физиологик фаолликка эга бўлган моддалар ҳисобланади. Алкалоидлар бошқа табиий бирикмалар синфларига қараганда структура тузилиши ҳар хиллиги билан фарқланади. Улар учун ягона синфлаштириш мавжуд эмас. Дастрраб алкалоидлар олинадиган манбасига қараб синфлаштирилган бўлса, ҳозирги вақтда углерод склетининг тузилишига қараб гурухланади. Ушбу гурухлардан бири трополон ҳалқаси тутувчи алкалоидлар бўлиб, *Colchicum L.* оиласига мансуб ўсимликларнинг бош алкалоидлари ҳисобланади. Алкалоидлар ўсимлик тури ва унинг ўсиш ҳудудига қараб, турли хил ўсимликларда сифат ва миқдорий таркибига кўра ҳар хил бўлади. Хусусан, Марказий Осиёда ўсадиган лолагулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар таркибида ҳам алкалоидлар мавжуд бўлиб, лойиҳанинг бош мақсади ушбу тур ўсимликлар таркибидан алкалоидларни ажратиш ва уларнинг бош алкалоидлари бўлган колхицин ва колхамин ҳосилаларини синтез қилиш ва физиологик фаоллигини ўрганиш ҳисобланади. Колхицин *Colchicum* турига кирадиган ўсимликларининг бош алкалоиди ҳисобланади. У тиббиётда жигар циррози ва рак касалликларини даволашда кенг қўлланилади.

Алкалоидлар ўсимлик тури ва унинг ўсиш ҳудудига қараб, турли хил ўсимликларда сифат ва миқдорий таркибига кўра ҳар хил бўлади. Хусусан, Марказий Осиёда ўсадиган лолагулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар таркибида ҳам алкалоидлар мавжуд бўлиб, ушбу тур ўсимликлар таркибидан алкалоидларни ажратиш ва уларнинг бош алкалоидлари бўлган колхицин ва

колхамин ҳосилаларини синтез қилиш ва физиологик фаоллигини ўрганиш ҳисобланади. Колхицин Colchicum турига кирадиган ўсимликларининг бош алкалоиди ҳисобланади. У тиббиётда жигар циррози ва рак касалликларини даволашда кенг қўлланилади.

Колхамин миқдор жиҳатдан ушбу турга киравчи ўсимликларда колхициндан кейинги ўринда туради. Колхамин тиббиётда омаин ҳам деб юритилади ва тери ракини даволашда ишлатилади. Кейинги йилларда колхамин қизилўнгач ва ошқозон ракини даволашда қўлланила бошлади.

Колхамин ва колхицин нисбатан заҳарли унинг заҳарлилигини камайтириш учун уларнинг ҳосилаларини синтез қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Colchicum турига киравчи ўсимликларда трополон алкалоидлар колхамин, колхицин билан бир қаторда изохинолин алкалоидлари ҳам учрайди. Ушбу турга киравчи ўсимликлардан алкалоидларни ажратиш ва уларнинг тадқиқоти муҳим аҳамият касб этади. Чунки уларнинг тузилиши ва физиологик активлигини ўрганиш назарий органик кимёning ва тиббиёт амалиётининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Улардаги алкалоидларнинг хилма-хил тузилишлиги, муҳим физиологик хоссалари ва улардан янги алкалоидларни излаш долзарблигича қолади.

## **I БОБ. АЛКАЛОИДЛАР.**


### **1.1. Алкалоидлар ва таркибида алкалоид сакловчи маҳсулотлар таснифи (классификацияси).**

Таркибида алкалоидлар бўлган ўсимликларни синфларга бўлишда улар таркибидаги алкалоидларнинг углерод-азотли скелетининг тузилиши асос қилиб олинган. Шунга кўра доривор восита сифатида ишлатиладиган алкалоидлар ва уларни ўз таркибида сакловчи доривор маҳсулотлар қуидаги синфларга бўлинади:

1. Очиқ занжирли (атсиклик) ва азот ён занжирда бўлган алкалоидлар.


Атсиклик алкалоидларга сферофизин, азот ён занжирда бўлган алкалоидларга эфедрин, капсайтсин, колхитсин ва бошқа алкалоидлар киради.

2. Пирролидин унумлари бўлган алкалоидлар.



Пирролидиннинг оддий унумларига гигрин, кускигрин, карпаин ва бошқа алкалоидлар киради.


3. Пирролизидин – гелиотридин (пирролидиннинг икки молекуласини азот орқали жипсланганди бирикмаси) унумлари бўлган алкалоидлар.




Pirrolizidin

Пирролизидин унумларига платифиллин, сарратсин, триходесмин, инканин ва бошқа алкалоидлар киради.


4. Пиридин ва пиперидин унумлари бўлган алкалоидлар.



Piridin




Piperidin



Lobelin

Пиридин ва пиперидин унумларига конини, лобелин, никотин, анабазин, пелтерин ва бошқа алкалоидлар киради.

5. Тропан (пиперидин билан пирролидинни азот орқали жиспланган бирикмаси) унумлари бўлган алкалоидлар.




Tropan


Тропан унумларига атропин, гиостсиамин, скополамин, кокаин ва бошқа алкалоидлар киради.

Секуринин алкалоиди ҳам пиперидин билан пирролидинни жиспланган бирикмасининг унумига (лекин тропан унуми эмас) киради.

6. Хинолизидин (пиперидинни икки молекуласини ёки пиперидин ва пиридинни азот орқали жиспланган бирикмаси) унумлари бўлган алкалоидлар.




Xinolizidin




Lupinan

Хинолизидин унумларига пахикарпин, тситизин, термопсин, нуфаридин ва бошқа лупинан алкалоидлари киради.

7. Хинолин унумлари бўлган алкалоидлар.




Xinolin



Xinin

Хинолин унумларига хинин, тсинхохин, эхинопсин ва бошқа алкалоидлар киради.


8. Акридин унумлари бўлган алкалоидлар:



Akridin

Акридин унумларига рутадошлар оиласига мансуб баъзи трописўсимликларнинг алкалоидлари киради. Бу груп алкалоидлар табиатда кам тарқалган.


9. Изохинолин унумлари бўлган алкалоидлар:




Izoxinolin

Бу груп алкалоидлар ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган. Уларга изохинолинни оддий унумлари (салсолин, салсолидин ва бошқалар), бензилизохинолин (папаверин, наркотин ва бошқалар), фенантренизохинолин (морфин, кодеин, тебаин ва бошқалар), фенантридинизохинолин (галантамин ва боқалар) ҳамда изохинолиннинг икки молекуласини бирлашган бирикмаси – дизохинолин (берберин типидаги алкалоидлар) унумлари бўлган алкалоидлар киради.

10. Индол унумлари бўлган алкалоидлар:



Indol




fizostigmin


Индол унумларига Стрихнин, бруцин, резерпин, аймалин, серпентин, физостигмин, гармин, бревиколлин, винкамин, винбластин, шохкуя ўсимлигининг алкалоидлари ва бошқа алкалоидлар киради.

Бу гурӯҳ алкалоидлари ҳам ўсимликлар дунёсида анча кенг тарқалган.

11. Имидазол унумлари бўлган алкалоидлар:




Imidazol




Pilocarpin

Имидазол унумларига пилокарпин ва бошқа алкалоидлар киради.

12. Хиназолин унумлари бўлган алкалоидлар:




Xinazolin



Peganin

Хиназолин унумларига фебрифугин, изофебрифугин, пеганин ва бошқа алкалоидлар киради.

13. Пурин унумлари бўлган алкалоидлар:



Purin

Пурин унумларига кофеин, теобромин, теофиллин ва бошқа алкалоидлар киради.

14. Дитерпин унумлари бўлган алкалоидлар.

Дитерпин унумларига элатин, делсемин, метилликаконитин, аконитин, зонгорин ва бошқа алкалоидлар киради.

15. Циклопентанопергидрофенантрен унумлари бўлган алкалоидлар (стериоид алкалоидлар).

Стероид алкалоидларга соласонин, соланин, чаконин, псевдоиервин, вератрозин ва бошқалар киради.

Алкалоидлар тиббиётда ишлатиладиган доривор моддалар ичида энг қимматлиси ҳисобланади. Улар кўпинча специфик (маълум касалликка нисбатан) ва бошқа дорилар билан алмаштириб бўлмайдиган таъсирга эга бўлганлиги учун турли касалликларни даволашда кенг миқёсда ишлатилади.

Дорихона ва заводларда алкалоидли маҳсулотлардан ҳар хил дори турлари (дамлама, қайнатма, настойка, экстрактлар, янги препаратлари) тайёрланади ҳамда соф ҳолдаги алкалоидлар ва уларнинг тузлари ажратиб олинади.

## **1.2 Алкалоидларни анализ қилиш усуллари**

Азот сақлаган асос хоссасига эга бўлган органик моддалар алкалоидлар деб аталади. Алкалоид сўзининг маъноси арабча сўз бўлиб-алкали-ишқор-ишқорсимон бирикма деган маънони билдиради. Алкалоидлар ўсимлик организмида учрайди ва ҳайвон организмига кучли физиологик таъсир кўрсатади, асосан асад системасига. Уларнинг кўпчилиги кучли заҳар, лекин жуда кичик дозада кўпгина алкалоидлар жуда муҳим доривор препаратлар ҳисобланади. Уларнинг асос характерда эканлиги ва туз ҳосил қилиши XVIII асрнинг бошларида кўпгина алкалоидларни индивидуал ҳолда ажратиб олиш имконини берди. Морфин Сертурнер, 1806 йилда хинин ва колхицин Пелльтье ва Каванту 1820 йил, никотин Босセルт ва Рейман 1828 йил, атронин-Мейн 1831 йил, теобромин 1842 йил Воскресенский томонидан ажратиб олинди. Илгари алкалоидлар индивидуал ажратиб олингунга қадар ўсимликларнинг экстракти ишлатилган.

Жуда олдин алкалоид сақлайдиган ўсимликларнинг сони заҳар сифатида қўлланилган. Масалан, стрихнин алкалоиди найза учига суртилиб ишлатилган.

Алкалоидлар хилма-хил кимёвий тузилиши ва физиологик активлиги туфайли орагник бирикмаларнинг жуда катта синфини ташкил этади. Уларнинг тузилишини ва физиологик активлиги ўрганиш назарий органик кимёни ва тиббиёт амалиётига жуда катта ҳисса қўшди, уларни ҳозирги кунда ўрганиш фанга ва амалиётга янги натижалар бермоқда. Жуда кўп алкалоидлар XIX асрда индивидуал ҳолда ажратилди, лекин уларнинг тузилиши XX асрда исботланди, ҳамда уларнинг синтези алкалоидлар мураккаб бўлганлиги туфайли XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилди.

Алкалоид сақлайдиган ўсимликлар асосан бир неча тур оиласалар ҳисобланади. Лолагулдошлар, мураккабгуллилар оиласи ҳисобланади. Алкалоидлар ўсимликларда ҳамма органларида ўчрамайди. Улар ўсимликнинг аниқ бир қисмида бўлади. Масалан никотин тамакининг баргida, хинин-хин дараҳтининг илдизида учрайди. Бир турга кирувчи ўсимликлар бир неча алкалоидларни сақлайди. Алкалоидлар ўсимликларда туз ҳолида учрайди.

Ўсимликлардан алкалоидлар ажратиб олишнинг бир неча усуллари бор. Алкалдоид сақлаган ўсимликлар йигилгандан кейин соя жойда қуритилади ва эзиб майдалангандан кейин ишқор ёки аммиак билан ишланади, кейин эркин алкалоид сувли эритмадан эфир, хлороформ ёки бошқа органик эритувчи билан ажратиб олинади, ундан кейин алкалоид кислотали муҳит бўлган сувли эритмага ўтказилади. Кўпгина алкалоидлар пикрин ва фосформолибат кислоталар кам эрувчан тузлар ҳосил қиласи ва типин ва  $HgJ_3^-$  билан чўқтирилади.

Алкалоидларни аниқлаш учун ўтказиладиган сифат реакцияларни иккита катта гурухга бўлиш мумкин.

1. Умумий чўқтирувчи реакциялар.
2. Хусусий ранг ҳосил қиласи ва реагенсијалар.

Ўсимликларда алкалоидлар бор йўқлиги биринчи гурухга кирувчи умумий реакциялар ёрдамида аниқланади. Лекин бу реакциялар ёрдамида

ўсимлиқ таркибида қандай алкалоид борлигини аниқлаб бўлмайди. Алкалоидлар бу реакцияларда реактивлар таъсирида чўкма ҳосил қиласди. Бунинг учун хлороформ ёки эфирда эритилган асос ҳолдаги алкалоид эритмасидан чинни ёки шиша пластинкачаси устига 0,1-0,05 н HCl ёки H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>кўшиб эрит-ди. Агар эритма устига бир томчи реактив қўшилса, чўкма (ёки лойқа) ҳосил бўлади. Реактивдан озгина қўшиш керак, акс ҳолда баъзи алкалоидлар чўкмаси ортиқча қўшилган реактивда эриб кетиши мумкин.

Алкалоидларни чўқтирувчи реактив сифатида комплекс йодидлар (Бушард, Вагнер, Мейер, Марме, Драгендорф реактивлари), баъзи комплекс кислоталар, фосфат-молибдат, фосфат-вольфрам, силикат-вольфрам кислоталар (Зоненштейн ёки Вриз, Шейблер, Бертран ёхуд Годфруа реактивлари). Оғир металл (симоб, олтин, платина) тузлари ва баъзи кислота хусусиятига эга бўлган органик бирикмлаар (танин, пикрин кислота) нинг эритмалари ишлатилади.

Юқорида кўрсатилган реактивлар билан оқсил моддалар уларнинг парчаланиш маҳсулотлари ҳамда баъзи гетероциклик бирикмалар (антипирин ва б.) ҳам чўкма бериши мумкин. Бундан ташқари юқорида кўрсатилган реактивлар таъсирида хар хил алкалоидлар турли даражада чўкади. Шунинг учун алкалоидларнинг бор-йўқлиги аниқланаётган эритма кўпгина реактивлар билан чўкма ҳосил қиласа, бу алкалоид борлигидан далолат беради, чўкма ҳосил бўлмаса, эритмада алкалоид йўқлигини кўрсатади. Маҳсулот таркибида алкалоидлар бор-йўқлигини аниқлаш учун умумий (чўқтирувчи) реакция қуйидагича бажарилади. 100 мл ҳажмли колбага майдаланган маҳсулотдан 1 г солиб, унинг устига HCl нинг 1% ли эритмасидан 25 мл қуйилади ва сув ҳаммомида 5 дақиқа давомида қиздирилади (алкалоидлар маҳсулотдан туз ҳолида ажralиб чиқади). Колбадаги суюқлик совигандан сўнг фильтранади. Бир нечта чинни идишчага бир неча томчидан фильтрат солиб, унга юқорида кўрсатилган умумий чўқтирувчи реактивлардан 1-2 томчидан қўшилади. Агар ажралмаса

алкалоидлар бўлса, улар миқдорига қараб тезда ёки бир оздан сўнг лойқа, чўкма ҳосил бўлади.

Маҳсулот ва эритмаларда қандай алкалоид борлигини ҳар бир алкалоидга хос рангли реакциялар билан аниқланади. Бу реакциялар жараёнида алкалоид молекуласидан сув молекуласи ажралиши, алкалоид оксидланиши ёки сув тортиб олувчи реагентлар (конц. $H_2SO_4$  ва б.) иштирокида альдегидлар билан конденсацияга киришиши мумкин. Натижада ҳар бир алкалоидга хос турли рангдаги маҳсулотлар ҳосил бўлади.

Алкалоидларни аниқлашдаги рангли реакцияларда конц.  $H_2SO_4$ ,  $HNO_3$ ,  $HCl$  ва б. кислоталар, формалин, турли оксидловчи ( $K_2Cr_2O_7$ ,  $KClO_4$ ,  $H_2O_2$ ), ишқорлар ва уларнинг аралашмалари ҳамда бошқа бирикмаларда реагент сифатида ишлатилади. Алкалоидларнинг хромотографик анализи.

Алкалоид сақловчи ўсимликларнинг ва алкалоидларни анализ қилишда хроматографик усулларнинг ҳамма турлари (адсорбцион ион алмасиши ва б) кенг миқёсда қўлланилади. Бу усуллардан алкалоидли ажратмада қанча ва қандай бирикмалар борлиги, алкалоидлар йигиндисидан айримларини ажратиб олишда ҳамда уларнинг миқдорини аниқлашда фойдаланилади.

Ўсимликлар таркибида қанча алкалоид борлиги ва уларни тахминий идентификация қилишда хроматографик анализ усулларидан қоғозда ва юпқа қаватда ўтказиладиган тақсимланиш хроматографик усуллари жуда ҳам қўл келади.

Хроматографик анализ қилиш учун аввало маҳсулотдан тегишли ажратма тайёрланади. Бунинг учун майдаланган маҳсулотдан 1 г олиб, 100 мл ҳажмли колбага солинади. Хлорид кислотанинг 1% ли эритмасидан 25 мл қўйиб вақти-вақтида чайқатиб турган ҳолда 1 соат давомида қўйиб қўйилади, сўнгра уни пахта орқали 100 мл ли бўлувчи воронкага фильтрланади. Фильтратда алкалоидар туз ҳолида бўлади. Кейин ажратма фенолфталеин бўйича ишқорли ҳолатга ўтгунча фильтратга аммоний гидроксидининг концентрик эритмасидан томчилаб қўшилади ва асос ҳолига ўтган

алкалоидлар 5 мл хлороформ билан чайқатиб ажратиб олинади. Шу хроматографик анализ учун ишлатилади.

Алкалоидларнинг қоғозли хроматографик (КХ ёки БХ) анализи. Хроматографик қоғознинг (узунлиги 30-40 см, эни 12 см) «старт» чизигига (пастки четидан 2-3 см баландлигига) капилляр найча ёки махсус томизгич ёрдамида тайёрланган ажратмадан 0,1 мл ҳамда алкалоидларнинг «гувоҳ» эритмаларидан бир-биридан 2 см масофада томизилади (доғ диаметри 5 мм). Томизилган ажратма ва «гувоҳ» эритмалар қуригандан сўнг хроматографик қоғоз бир сутка олдин n-бутенолсирка кислота сув аралашмаси (5:1:4) қўйиб қўйилган хроматографик камерага жойлаштирилади. 14-15 соат давомида хроматография ўтказилади.

Кўрсатилган вақт ўтганидан сўнг хроматограмма камерадан олинади, қуритилади ва унга Драгендорф реактиви пуркалади. Натижадаги ажратмадаги алкалоидлар ва «гувоҳ» алкалоидлар сариқ фондда зарғалдоқ доғлар ҳолида кўринади. Доғларнинг Rf аниқланади ва ажратмадаги ҳамда гувоҳ алкалоидларнинг Rf солиштириш кўрилади. Усимлик ажратмасида қандай алкалоидлар борлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Анализларнинг юпқа қаватли хроматографик (ЮҚ.Х) анализи. КСК маркали сликагель ёпиширилган 12x9 см ли ойна пластинкаси ёки «силуфор» пластинкасининг «старт» чизигига капилляр найча ёкм махсус томгич ёрдамида ўсимликдан тайёрланган ажратмадан ҳамда гувоҳ алкалоидлар эритмасидан бир-биридан 2 масофада 0,1 мл дан томизилади. (Доғ диаметри 5 мм). Доғлар қуригандан сўнг пластинка олдиндан хлороформ-ацетон-диэтиламин (5:4:1) суюқликлар аралашмаси қўйиб қўйилган хроматографик камерага жойланади. Хроматография қилиш вақти (30-40) ўтгандан сўнг пластинка камерадан олинади. +уритилиб, унга Драгендорф реактиви пуркалади. Ажратиб олинган ва гувоҳ алкалоидлар сариқ фонда зарғалдоқ доғлар ҳолида кўринади. Rfxисобланиб, ўсимлик ажралмасидан ва гувоҳ алкалоидларнинг Rf ларини солиштириб, кўриб, ўсимликда қандай алкалоид борлиги аниқланади.

Алкалоидлар миқдорини аниқлаш усуллари.

Алкалоидлар миқдорини аниқлаш усуллари күп бўлиб, улар алкалоидларни чўктириш, оксидлаш, асос сифатида нейтраллаш ҳамда турли рангдаги бирикмалар ҳосил қилишга асосланган. Маҳсулот таркибидаги алкалоидлар миқдорини аниқлаш усуллари асосан 3 босқичдан иборат.

1. Алкалоидларни маҳсулотдан эритувчилар ёрдамида ажратиб олиш.
2. Алкалоидларни турли аралашмалардан тозалаш.
3. Тоза алкалоидлар миқдорини турли усуллар билан аниқлаш.

Маҳсулотдаги тропан гурухига кирувчи алкалоидлар миқдорини аниқлаш. Майдалангандан (диам.1 мм) баргдан аниқ10 г тортиб олиб, 250 мл ли шишага солинади. Устига 150 мл эфир ва аммиакнинг конц.эритмасидан 7 мл қўшиб, 1 соат давомида чайқатилади. Бунда асос ҳолида эриб, эфирга ўтган алкалоид эритмасини дарров 200 мл ҳажмдаги бошқа шишага пахта орқали фильтранади, устига 5 мл дист.сув қўшиб чайқатилади ва тиндирилади. Тинган эфирни ажратмадан 90 мл ни цилиндрга ўлчаб 200 мл ли бўлувчи воронкага қуйилади. Цилиндрга 2 марта 10 мл дан эфир солиб чайилади ва уни воронкадаги эфирли ажратмага қўшилади.

Алкалоидлар туз ҳолида эриб ўтган 1% ли HCl ни 200 мл ли бошқа бўлувчи воронкага диам. 5 см ли фильтр қоғоз орқали фильтранади. Кислота қисми ажратиб олингандан сўнг эфирли ажратмаган 15 мл 1% ли HClқўшиб, 3 дақиқа давомида чайқатилади. Шундан кейин кислота қисми ажратиб олиниб, олдинги кислота қисмига қўшилади. Эфирли ажратмага охирги марта 1% HCl дан 100 мл қўшиб, чайқатиб, кислота қисми ажратиб олинган эфирли ажратмада алкалоид қолмайди. Алкалоидлар эритмаси фильтланган фильтр қоғоз 2 марта 5 мл дан 1% ли HCl билан чайилади ва шу воронкага қуйилади.

Абсолют қуритилган маҳсулотдаги алкалоидларнинг % миқдори қуидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$X = \frac{(a - \sigma) \cdot 0,00578 \cdot 100 \cdot 100}{P \cdot (100 \cdot W)}$$

бунда X-маҳсулот таркибидаги алкалоидларнинг % миқдори.  
а-асос ҳолидаги алкалоидни эритиш учун олинган 0,02 н HCl нинг мл  
миқдори.

в-реакцияга киришмай қолган 0,02 н HCl титрлаш учун кетган 0,02 н  
NaOH нинг мл миқдори.

P-хисоблаш учун олинган маҳсулот оғирлиги

W-маҳсулотни абсолют қуритилганда йўқотилган намлик миқдори.


Ҳозирги вақтда алкалоидларнинг чинлигини аниқлаш идентификация  
қилиш ҳамда миқдорий аниқлашда турли спектрал усулда жуда кенг қўламда  
фойдаланилади. (Уф-, ИК-, ПМР, масс-спектр ва б). Чунки алкалоидларнинг  
спектрларини тўғри «ўқиши» натижасида улар молекуласида тўйинган  
қўшбоғлар, турли функционал групкалар ( $\text{CH}_3-$ ,  $\text{CO}-$ ,  $\text{CO}_2-$ ,  $\text{OH}-$ ) ароматик  
ҳалқа ва бошқаларни бор-йўқлигини ҳамда қаерда жойлашганлигини  
аниқлаш мумкин.

Спектрал анализ усуллари хроматографик усуллар сингари фақат  
алкалоидлар анализида эмас, умуман ўсимликлардан олинадиган ҳамма  
биологик фаол моддалар анализида кенг қўлланилади.

## **II БОБ.COLCHICUM KESSELRINGI VA COLCHICUM LUTEUM ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АЛКАЛОИДЛАРИ.**

### **2.1. Трополон алкалоидлари**

1945 йилда Дьюар биринчи марта 2-окси-2,4,6-циклогептатриен-1-оннинг ароматик хоссаларини айтиб берди ва ўша пайтда маълум бўлган колхицин ва стипитат кислота табиий бирикмалари бу модданинг ҳосилалари эканлигини тъкидлади. Бу бирикма трополон, унинг ҳосилалари эса тролонлар деб аталди.



Муаллиф фикрлари тажриба натижалари асосида исботланди ва кейинчалик бу қатор трополон алкалоидларининг тузилишини тушунтириб берди. Трополон табиий бирикмалардан ажратиб олинмаган, лекин унинг ҳосилалари Liliaceae (трополон алкалоидлари), Cupressaceae (изопропилтрополон) ва баъзи тур Penicillium (окситрополонкарбон кислоталар) ўсимликларининг уруғида топилган. Трополон ва унинг ҳосиларининг синтези 1948-1951 йилларда амалга оширилган.

Лолагулдошлар оиласига кирувчи ўсимликлардан тузилишида трополон халқаси сақлаган 27 та алкалоид ажратилган. Уларнинг ҳаммасининг тузилиши исботланган. Уларда асосан бош алкалоидлар колхицин ва колхамин ҳисобланади.

Биринчи марта ўрганилган трополон алкалоид колхицин ҳисобланади. Ушбу алкалоиднинг тузилиши исботлангандан кейин Лолагулдошлар оиласига мансуб ўсимликларда бошқа бирикмалар ўрганила бошланган.

Колхицин ва унинг ҳосиларини ҳар хил шароитларда оксидлаганда турли хил бирикмалар ҳосил бўлади. Колхициннинг тузилишини жуда

кўплаб кимёгарлар томонидан ўрганилган ва унинг тузилиши 1945 йилда исботланган. Кейинчалик у рентгеноструктур анализ ва синтез ёрдамида исботланган. Колхицин ўзи 1819 йилда француз олимлари томонидан кузги савринжондан ажратилган. Колхицин жаҳоннинг кўпгина лабораторияларида синтез қилинган.

Колхамин ўсимликларда тарқалиши бўйича колхициндан кейинги ўринда туради. У Лолагулдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг ҳамма органларида учрайди. Колхамин колхициндан асослиги билан фарқ қиласди. Унинг тузилиши ва кимёвий ўзгаришини асосан Киселев ва Шантавилар томонидан ўрганилган. Колхамин колхицин билан углерод-азот скелети бир хил. Ушбу икки алкалоид азот атомидаги ўринбосарлари билан фарқ қиласди.

Колхаминнинг тузилиши Киселев ва унинг ходимлари томонидан аниқланган. 3-Деметилколхицеин Ўрта Осиёда ўсадиган сариқ савринжон ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратилган. Кейинчалик бу алкалоид бошқа турдаги савринжонларда ҳам аниқланган. У фенол кислотали алкалоидлар фракциясининг 40-90 % ини ташкил қиласди.

Колхикозид. У кузги савринжоннинг уруғидан ажратилган ва унинг тузилишини Белл ва унинг ходимлари томонидан ўрганилган. Унинг гидролизи натижасида 3-деметилколхицин ва глюкоза эквимолекуляр миқдорда олинган.

Специозин биринчи марта Киселев томонидан йирик савринжоннинг пиёзидан ажратилган. Кейинчалик Шантави ва унинг ходимлари кузги савринжонда ҳам аниқлаган.

Дезацетилколхицин йирик санграйқулоқнинг ер устки қисмидан ажратилган. Дезацетилколхицеин у ҳам йирик санграйқулоқнинг ер устки қисмидан ажратилган. Қуйидаги 1-жадвалда трополон алкалоидларининг баъзи хоссалари келтирилган.

#### 1-жадвал - Трополон алкалоидларининг хоссалари

№	Алкалоидлар	Белгиланиши	Суюқ, ҳарорати, t °C	/a/D	Манба
---	-------------	-------------	-------------------------	------	-------

1	Колхицин	A	155-157	-122	<i>Colchicum autumnale</i>
2	N-Формилдезацетилколхицин	B	265-267	-167	<i>Colchicum autumnale</i>
3	2-Диметилколхицин	E	178-180	-133	<i>Colchicum autumnale</i>
4	3-Диметилколхицин	C	276-278	-263	<i>Colchicum autumnale</i>
5	Колхамин	F	184-186	-127	<i>Colchicum autumnale</i>
6	2-Диметилколхамин	S	136-138	-120	<i>Colchicum autumnale</i>

### 1-жадвал - давоми

№	Алкалоидлар	Белгиланиши	Суюқ. харорати, $t^{\circ}\text{C}$	/α/D	Манба
7	Колхикозид		216-218	-360	<i>Colchicum autumnale</i>
8	Колхицеин		175-177	-236	<i>Colchicum autumnale</i>
9	3-Диметил- N-дезацетилколхицин	U	-	-	<i>Colchicum autumnale</i>
10	Колхамеин	Ta	133-135	-211	<i>Colchicum autumnale</i>
11	Специозин		209-211	-21	<i>Colchicum speciosum</i>
12	Корнигерин		268-270	-150	<i>Colchicum speciosum</i>
13	N-Метилколхамин	CC-5	209-212	-104	<i>Colchicum speciosum</i>
14	6-Оксиколхицин	CC-12	197-199	-45	<i>Colchicum speciosum</i>
15	3-Диметилколхамин	CC-7	220-222	-128	<i>Colchicum speciosum</i>
16	3-Диметил- N-формилдезацетилколхицин		230-231	-210	<i>Gloriosa superba</i>
17	N-Формилколхамин	CC-19	187-188	-202	<i>Colchicum cornigerum</i>
18	3-Диметилколхицеин	I-5	Аморф	-	<i>Colchicum luteum</i>
19	Дезацетилколхицин	M-1	Аморф	-146	<i>Merendera robusta</i>
20	Дезацетилколхицеин	M-2	155-157	-185	<i>Merendera robusta</i>
21	2-Диметил- N-формилдезацетилколхицин		Аморф	-	<i>Gloriosa superba</i>
22	2,3-Дидиметилдезацетилколхицин		Аморф	-	<i>Gloriosa superba</i>

23	10,11-Эпоксиколхицин		251-255	-237	<i>Colchicum latifolium</i>
24	Колхицилин		170-171	-121	<i>Colchicum latifolium</i>
25	2-Диметилколхицилин		Аморф	-	<i>Colchicum latifolium</i>
26	Колхифолин	CI-1	151-152	-149	<i>Colchicum latifolium</i>
27	2-Диметилколхифолин		229-232	-109	<i>Colchicum latifolium</i>

## 2.2. Гомоапорфин алкалоидлар

Оқ ва сариқ савринжон оиласига киравчи ўсимликларидан 19 турдаги гомоапорфин асослари тутувчи алкалоидлар ажратиб олинган. Уларнинг барчаси бензол ҳалқасида 1, 2, 10, 11 ва 12 ҳолатларда жойлашган бешта ўринбосарлар тутувчи бирикмалар ҳисобланади. Дастребки вакилларининг тузилиши спектрал маълумотлар, алкалоидларнинг биогенетик схемалари, ҳамда апорфин алкалоидларининг корреляцияси ёрдамида ўрганилган.

Марказий Осиёда ўсуви Оқ ва сариқ савринжон ўсимликлари таркибидаги алкалоидлар таркиби қуидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал - Оқ ва сариқ савринжон ўсимликлари қисмларидаги алкалоидлар миқдорининг таркиби, % да.

№	Ўсимлик номи	Ўсимлик қисмлари		
		Ўсимлик пиёзида	Барги ва поясида	Уруғида
1	<i>Colchicum autumnale</i>	0,33-0,29 Гуллаш давридаги пиёзида 0,88-0,26 Вегетация давридаги пиёзида 0,11-0,08.	0,32-0,20	1,23-0,60
2	<i>C. kesselringii</i>	0,18-0,03	1,10-0,63	0,89
3	<i>C. luteum</i>	0,86-0,18	1,86-0,57	1,23-0,93

4	C. speciosum	0,58-0,41 ёш пиёзчасида 1,6-1,4	0,04	0,83-0,56
5	C. szovitsii	0,17-0,15	0,39-0,35	1,11

Гомоапорфин асослари эврилган бифенил система тутиб, азот атоми ёнида асимметрик углерод атомига эга бўлади. Бунинг натижасида алкалоиднинг солиштирма айланиш қиймати унинг абсолют конфигурациясини аниқлаш имконини беради. Бунда қутбланган ёруғлик текислигини чапга бурувчи алкалоидлар R-, ўнгга бурувчилар эса S-конфигурацияга эга бўлади. Шунга кўра гомоапорфин асосларини икки гурухга ажратилади.

1. Абсолют R-конфигурацияга эга бўлган алкалоидлар: (-)-флорамультин, (-)- крейзигин, (-)- алкалоид СС-24 ва (-)- мультифлорамин.
2. Абсолют S- конфигурацияга эга бўлган алкалоидлар: (+)- крейзигин, (+)- мерендерин, (+)- шовицамин, (+)- 0- метилкрейзигин, (+)- байтопин, (+)- андроцин, (+)- андроцимин, ва бошқалар.

Бу алкалоидларнинг барчаси диазометан билан тўлиқ метилланганда тегишли равища R- ёки S- 0 – метилкрейзигинларга айланади. Тойо ва унинг ходимлари андробин йодметилатини Гоффман бўйича андробинметингача парчалаган бўлса, баъзи гомоапорфин алкалоидларни тузилишини аниқлашдаацетиллаш ва дезацетиллаш реакцияларидан фойдаланилади.


Юқорида айтиб ўтилганидек, гомоапорфин алкалоидларининг тузилиши асосан спектраль усуллар билан ўрганилади. УБ-спектрида уларнинг ютилиш максимумлари 258-260 ва 290-294 нм соҳаларида, ИК-спектрларида эса карбонил гурухига хос бўлган ютилиши максимуми мавжуд бўлмайди. Гомоапорфин асослари ПМР спектри иккита бир-бирига яқин жойлашган, ароматик протонларга (H-3 ва H-9) хос бўлган синглет сигналларни намоён қиласи. C-1 ва C-12 метоксиль гурухларига хос бўлган

сигналлар 3,48 – 3,60 м.у.ларда, Маас-спектрлари эса  $(M-17)^+$  ёки  $(M-31)^+$ ларда гидроксиль ва метоксиль гурухларининг узилиши билан ҳосил бўладиган ионларда кўринади.

Лолагулдошлар оиласига киравчи ўсимликлардан 19 та гомоапорфин асослар ажратилган.(2-жадвал)[29-31]. Уларда ўринбосарлар 1, 2, 10, 11, 12 холатларда жойлашган. Уларнинг биринчи аъзолари асосан спектрал маълумотлар асосида исботланган.

Гомоапорфин асослар апорфинларга ўхшаш, уларда бифенил система ва азот атоми ёнида битта ассимметрик марказ бор. Алкалоиднинг буриш бурчаги унинг абсолют конфигурациясини аниқлайди: Чапга бурувчи бирикмалар R-ўнга бурувчилар эса S-конфигурацияга эга. Шунинг учун гомопарфин асосларини конфигурацияси бўйича 2 та катта группага бўлиш мумкин.


1.R-абсолют конфигурацияга эга бўлган алкалоидлар: (-)-флорамультин (14), (-)- крейзигин (17), (-)- алкалоид СС-24 (18) ва (-)-мультифлорамин (19).



3-жадвал - R-абсолют конфигурацияга эга бўлган алкалоидлар

Радикал	R <sub>1</sub>	R <sub>2</sub>	R <sub>3</sub>	R <sub>4</sub>
14	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	H
17	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>
18	H	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>
19	H	CH <sub>3</sub>	H	CH <sub>3</sub>

3. S -абсолют конфигурацияга эга бўлган алкалоидлар: (+)-крайзигин (20), (+)-мерендерин (21), (+)- шовицамин (13), (+)-О-метилкрайзигин (22), (+)- байтопин (23), (+)-андроцин (24), (+)- андроцимин (25), (+) андробин (26), N-Оксид мерендерина (27) (+)-крайзигин (28), О-метилкрайзигин (29), (+)-норандробин (30) ва (+)-O-метилноркрайзигин (31):



4-жадвал - S -абсолют конфигурацияга эга бўлган алкалоидлар

радикал	R <sub>1</sub>	R <sub>2</sub>	R <sub>3</sub>	R <sub>4</sub>	R <sub>5</sub>
20	CH <sub>3</sub>	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>
21	CH <sub>3</sub>	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	H
13	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>		CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>
22	CH <sub>3</sub>				
23	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	H	CH <sub>3</sub>	H
24	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>
25	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	H
26	H	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	CH <sub>3</sub>	H

Ҳамма гомоапорфин асослар диазометан билан метилланганда улар мос равища R -ёки S-O-метилкрайзигинга ўтади. Тойо ва бошқалар [30] андробинни йод метилатини гофман бўйича парчаладилар ва натижада андробинни гомофенантренни олдилар.

Бир қатор гомоапорфин алкалоидларини тузилишини исботлашда ацетиллаш ва дезацетиллаш реакциларидан фойдаланилди.

Гомоапорфин алкалоидларининг тузилиши асосан спектрал усуллар ёрдамида исботланди. УБ –спектрда уларнинг ютилиш максимуми 258-260 ва 290-294 нмда намоён бўлади, ИК-спектрда карбонил группанинг ютилиш чизиги кўринмайди. Гомоапорфинлар масс-спектрлар апорфинлар каби ( $M-17$ )<sup>+</sup> ва ( $M-31$ )<sup>+</sup> ион пиклари интенсив ҳосил қиласади. Гомоапорфин асосларининг тузилиш синтез орқали ҳам аниқланди. Қуйидаги 5-жадвалда баъзи гомопроапорфин асосларининг хоссалари келтирилган.

#### 5-жадвал - Лолагулдошлар оиласига кирувчи гомоапорфин асослари

№	Асослар	Таркиби				Суюқ Т °C	$/\alpha/D_0$ B	Манбалари
		C	H	O	N			
1	(-)-Крейзигин	22	27	5	1	122-124	-65	<i>Colchicum cornigerum</i>
2	(+)-Крейзигин	22	27	5	1	-	+64	<i>Androcymbium palaestinum</i>
3	Крейзигин	22	27	5	1	192-193	0	<i>Kreysigia multiflora</i>
4	Мультифлорамин	21	25	5	1	210-212	-68	-- -- -- --
5	Флорамультин	21	25	5	1	230	-117	-- -- -- --
6	Мерендерин (бечуанин)	21	25	5	1	229-230	+105	<i>Merendera raddeana</i> , <i>Iphigenia bechuanica</i>
7	Асослар СС-24	21	25	5	1	245-249	-100	<i>Colchicum cornigerum</i>
8	Шовицамин	22	27	5	1	188-190	+86	<i>Colchicum szovitsii</i>
9	Шовицинин	21	25	5	1	-	-	-- -- -- --
10	О-метилкрейзигин	23	29	5	1	150-153	+81	-- -- -- --
11	Байтопин	21	25	5	1	-	+74	<i>Merendera kurdira</i>
12	Андроцин	22	27	5	1	-	+39	<i>Androcymbium palaestinum</i>
13	Андроцимин	22	27	5	1	-	+51	-- -- -- --
14	О-метил норкрейзигин	22	27	5	1	-	+27	-- -- -- --
15	Андробин	21	25	5	1	-	-39	-- -- -- --
16	Норандробин	20	23	5	1	-	+20	-- -- -- --

17	N-Оксид мерендерин	21	25	6	1	251-252	+128	Merendera raddeana
18	N-Оксидкрайзигин	22	27	6	1	143-145	-	" "
19	N-Оксид О-метилкрезигин	23	29	6	1	161-163	-	" "

### 2.3. Гомопроапорфин асослар


Биринчи гомопроапорфин алкалоидлар, худди гомоапорфинлар каби 1967 йилда очилган. Ҳозирги вақтда бу группага кирганд табий бирикмалар 32 тани ташкил этади. Асосан улар академик О.С. Содиков ва унинг ходимлари томонидан Марказий Осиёда ўсадиган оқ савринжон ва сарик савринжон ўсимликларидан ажратилган [1].

Ўттизта гомоапорфингдан алкалоидларнинг тузилиши аниқланган. Улар. Д халқасиинг тузилиши бўйича 3 та группага ажратилган:


1. Спироциклогексадиен халқали алкалоидлар. (хақиқий гомопроапорфинлар)
2. Спироциклогексенон халқали алкалоидлар (қисман қайтарилилган бирикмалар)
3. Спироциклогексанол халқали алкалоидлар (Д халқаси тўлиқ қайтарилилган бирикмалар)

Учала группа кимёвий хоссалари ва спектрал маълумотларига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

Спироциклогексадиен халқали бирикмалар. Бу группа хоссаларига фақат битта табий бирикма – крейзигинон (1) киради.



Биринчи гомопроапорфин асос крейзигинонни тузилишини Ваттерсбі ва унинг ходимлари апорфин алкалоидларнинг биогенетик схемаси асосида исботладилар. Гомопроапорфинларнинг биосинтезида гомопроапорфин алкалоидлар оралиқ бирикмалар сифатига қараб, улар иккита диенон синтез қилдилар. (1 ва 2).



Улардан биринчиси крейзигинон билан идентификация қилинди. Каметани ва унинг ходимлари [2] томонидан синтез қилинган крейзигинонни иккита диастереомерларга ажратдилар.

Крейзигинонни УБ-спектрида ютилиш максимуми 214, 243 ва 287 кн, да ИК-спектрида диенон группировкалар ютилиш чизиги 1614, 1659, 1483 см<sup>-1</sup> да ва гидроксил группалар (3550 см<sup>-1</sup>) ларда намоён бўлади.

Бирикманинг ПМР – спектрида ароматик ва олефин протонларнинг сигналлари ва метил группаларнинг протонлари қўйидаги кимёвий силжишлари кузатилади.

H – 3 – 6,51 м.у. (JH,C)

H – 9 – 5,77 м.у. (JH,g, J<sub>9,13</sub>=3<sup>Гу</sup>)

H – 12 – 6,20 м.у. (JH,g, J<sub>12,13</sub>=3<sup>Гу</sup>)

H – 13 – 6,96 м.у. (JH,g, J<sub>12,13</sub>=3<sup>Гу</sup>, J<sub>13,9</sub>=3<sup>Гу</sup>)


OCH<sub>3</sub>(2) – 3,74 м.у. (3 H, C)

OCH<sub>10</sub>(2) – 3,59 м.у. (3 H, C)

NCH<sub>3</sub> – 2,41 м.у. (3 H, C)


M<sup>+</sup>341 (масс-спектроскопик)

Баттерсон ва унинг ходимлари /3/ 1967 йилда крейзигинонни синтез қилдилар, гидрогенлаш реакциясини амалга ошириб уни дигидрокрейзигинонга (3) айлантирилар.



7

Диеон (4) ни натрий боргидрид билан қайтариш натижасида тетрагидро – ва гексагидро ҳосилалари олинди (5 ва 6) [4].




8

9

10

Диенон 1 ни натрий боргидрид билан қайтариш натижасида диенон 7 [5], диенон 8 эса 9-диөолга [6] айланади.



11

12


Спироциклогексенон халқали бирикмалар. Гомопроапорфин асосларнинг бу группачасига 2 та бирикма киритилган: дигидрокрейзигинон, лутеидин, бульбокадин, йолантамин, крокифлоринон, йолантин, лутеидин ва йолантамин.

Юқорида саналган алкалоидларнинг биринчи иккитасида еон групировка када метоксиль группа сақлайды, қолғанлари сақламайды.

Ушбу группача алкалоидлари бир қатор қизиқарли тузилишли бирикмаларни сақлайды, уларни ўрганиш гомопроапорфин асосларнинг химиясини ўрганишга ўзини муносиб хиссасини қўшиди. Улардан дигидрокрейзигинон, крейзигинон билан бир қаторда тузилиши исботланган биринчи гомопроапорфин алкалоидлардан ҳисобланади. Лутеидин, сариқ савринжондан ажратилган ушбу ўсимликнинг бош алкалоиди ҳисобланади.

Дигидрокрейзигинон (10) 1-гидрокси-2,10-диметокси-12, 13-дигидрогомопроапорфин тузилишига эга. унинг тузилиши крейзигиноннинг (1) тузилишига асосланиб исботлайди.

УБ-спектрида асоснинг ютилиш максимуми 220 ва 269 нм, ИК – спектрда ютилиш чизиги ( $1610, 1635, 1637 \text{ см}^{-1}$ ) да бор. Карбонил группанинг ПМР – спектрида бензол халқасининг H-3 протон (6,54 м.у., УН,C), олефин H-9 протони (5,74 м.у. JH,g), бензол халқасининг метоксил группанинг протонлари (3,64 м.у.) ва анон групировка (3,54 м.у.) N – метил группа (2,54 м.у.) да намоён бўлади.



13

Дигидрокрейзигинон кимёвий ўзгаришлари тўлиқ ўрганилмаган. Лутеидин – сариқ савринжон ўсимлигининг бош алкалоиди ҳисобланади. Спектрал маълумотларга кўра, лутеидин дигидрокрейзигинонга яқин. УБ-спектрида ютилиш максимуми 228 ва 2725 нм да, ИК-спектрида ютилиш

чилиги 1677, 1667, 1617, 1600 ва 3535 см<sup>-1</sup> борлиги еон группаларини, бензол ҳалқани ва гидроксил группаларнинг борлигини кўрсатади. Асоснинг масс-спектрида қуийдаги ион пиклари бор: m/z 343 ( $M^+$  38 %), 328,315,300 ( $M^-$  43%), 272, 256, 244 ( $M^+$  49, 100%), 242,228,205 ва 202.


Асоснинг ПМР-спектрида битта ароматик протон ва олефин протонлар (3, 78 м.д., J,H,C ва 3,51 м.д. J,H,G)иккита метоксил группанинг протонлар сигналлари аниқланган.

Содиқов ва унинг ходимлари лутеидиннинг тузилиши аниқлашда унинг спектрал маълумотларини кўпгина кимёвий ўзгаришларини ўргандилар. Улардан энг муҳимлари қуийдагилардир (б-жадвал).

Асосга сирка ангидрид ва натрий ацетат таъсир эттириш натижасида O,N-диацетил ҳосиласи олинди. Бу реакция шуни кўрсатадики, унда гидроксил группа ва тетрагидроизохинолин ҳалқа бор. Лутеидинни кислотали эритмаларда қиздирилса,  $\alpha$ -дикетон ҳосил бўлади, унинг тузилиши диоксим олиш билан исботланди. Асосни ацетиллаш натижасида кетал олинди.

Лутеидинни гидразин гидрат билан Кишнер бўйича қайтарилса, циклопропан ҳосиласи олинади, бу эса унинг ПМР-спектрида олефин протоннинг йўқлиги орқали исботланди. Лутеидинни оксими қайта группаланиш реакциясига киритилса, унинг нитроҳосилалари олинади.

Спектрал маълумотлар ва кимёвий ўзгаришлар асосида лутеидиннинг тузилиши 1-гидрокси-2, 12-диметокси-9,10-дигидрогомопроапорфин эканлиги исботланди.




$C_{20}H_{25}NO_4$   
Exact Mass: 343,18 Mol. Wt.: 343,42  
m/e: 343.18 (100.0%),  
344.18 (23.2%), 345.19 (2.5%)  
C, 69,95; H, 7,34; N, 4,08; O, 18,64

6-жадвал - Сариқ савринжондан ажратилган алкалоидлар

№	Алкалоидлар	Таркиби				Суюкланиш харорати	/α/д
		C	H	O	N		
1	3-Деметилколхицеин	20	21	5	1	Аморф	-
2	2-Деметил-γ-люмиколхицин	21	23	6	1	291-293	-440
3	Лутеидин	20	25	4	1	231-232	-96
4	Лутеин	19	25	4	1	228-229	+93
5	Лутеицин	20	27	4	1	210-211	+112
6	Лутеинин	19	25	3	1	188-190	-105
7	Коллутин	21	25	5	1	192-194	-182
8	Лутионон	19	23	4	1	237-238	-
9	Коллутиннинг N-окиси	21	25	6	1	217-219	-204

1-схема - Лутеидиннинг ўзгариш реакциялари




Циклогексанол ҳалқали алкалоидлар. Бу групча алкалоидлари 10 та бирикмани ўз ичига олади – кессельрингин, регеламин, лутеин, лутеицин, кессельрингин, тригамин, регелин, регелинни, йолантидин ва тригаминнинг N – оксиди.

Кессельрингин (2) D–халқаси тўлиқ қайтарилган бирикма бўлиб, гомопроапорфин алкалоидларнинг вакили ҳисобланади. Унинг тузилиши замонавий спектрал усулларни кенг қўллаш ва кимёвий ўзгаришлар ёрдамида исботланган.

Асоснинг УБ – спектрида ютилиш максимуми 218-290 нм да, ИК – спектрда метилен группаларнинг, бензол халқа ва гидроксилд группаларнинг ютилиш чизиқлари ( $800\text{-}900$ ,  $1600$ ,  $1480$ ,  $3555$ ,  $3590 \text{ см}^{-1}$ ) да намоён бўлади. ПМР – спектрда бензол халқанинг (6,42 м.у.) H – 3 протони гидроксил группада жойлашган 4-11 протони – (3,72 м.у. J – 5,6 м.у.), N – метил ва метоксил группаларнинг (2,32 ва 3,32 м.у.) сигналлари бор. Масс-спектрда қуидаги ион пиклари бор: m/f 331 ( $M^+$ , 42%), 330 ( $M - 1$ )<sup>+</sup>(100%), 316( $M - 15$ )<sup>+</sup>, 288 ( $M - 43$ )<sup>+</sup>, 256, 244, 228.


Кессельрингинга диазометан таъсир эттирилса O – метил эфир олинди (29). Уни кислотали гидролиз қилинса O – метил-12-диметилкессельринга ўтади (30). Асоснинг ўзи кислотали гидролиз қилинса 12-демитилланган () бирикма ҳосил бўлади. Ацетилин реакцияси натижасида асоснинг O, O – диацетил ҳосиллари олинди. Асосли кислоталардан юмшоқ гидролиз қилинса ва алкалоид реакцияси ҳамда пералкиллаш ўтказилса, алкил ҳосиллари (30) ажратилди, бу реакциялар кессельрингинда кетиль группировкалар борлигини кўрсатди.

2-схема - Кессельрингининг ўзгариши



Асосни ишқорда эритиб, поташ иштирокида метил йодид билан метилланса О – метилькесскельрингини йод метилати ҳосил бўлади, бу рекция унда фенол гидроксил группа борлигини кўрсатди.

Юқоридаги спектрал маълумотлар ва кимёвий ўзгаришлар ҳамда проапорфин алкалоидлар билан таққослаш натижасида кессельрингин учун 2-гидрокси-12-метокси-1,2-оксигендигидрогомопроапорфин (31) тузилиш исботлайди.



Регеламин (33) УБ – спектрида ютилиш максимуми 218 ва 240 нм ( $\lg E$  4,34 ва 3,59) бу шуни кўрсатадики унинг тузилишида ароматик халқа бор. ИК – спектрда гидроксил группа ( $3560 \text{ см}^{-1}$ ), бензол халқа ( $1600 \text{ см}^{-1}$ ) ва метилен группалар ( $1480 \text{ см}^{-1}$ ) да ютилиш чизиқлари бор.

Алкалоидларнинг масс-спектрда қуйидаги асосий ион пиклари бор:  $m/e$  331 ( $M^+$ , 48 %), 330 ( $M - 1$ )<sup>+</sup>(100%), 288 ( $M - 43$ )<sup>+</sup>, 270, 244, 230, 205, 202.

Таркиби ва спектрал маълумотларига кўра регеламин кессельрингин тиридаги гомопроапорфин алкалоидлар тиига киради. Унда тўртта кислород атомлари борлиги аниқланди. Улардан биттаси метоксилгруппа таркибига киради, у  $C_2$  – ҳолатда жойлашган.

Иккинчи кислород атоми индиферент характерга эга. Регеламин кессельринга ўхшаб ароматик халқа ва олти аъзоли ҳалқаларда эфир боғи ҳосил қиласи.

Спиртларда эфирланиш реакцияси ўтказилганда асоснинг метил ва н-бутил эфирлари ҳосил бўлади. Ушбу эфирлар сувли ишқорлар таъсирига чидамли, лекин суюлтирилган кислоталарда регеламин осон гидролизланади.

Юқоридаги маълумотларига кўра асосда полуацетал группировкада гидроксил группа борлигин кўрсатди. Регеламиннинг метил эфири асосга диазометан таъсир эттириб хам олинади.

Регеламинга сульфит кислота иштироқида сирка ангидрид таъсир эттирилса 0,0 – диацетил ҳосиласи ҳосил бўлади (34). Бу шуни кўрсатадики асоснинг тўртинчи кислород атоми иккиламчи спирт гидроксил группаси кўринишида бўлади. Асосни сувсизлантирилган натрий ацетат иштироқида сирка ангидрид билан ацетилласа, 0 – 0 – N – триацетил ҳосиласи (35) ҳосил бўлишга олиб келади.

Гомопроапорфинларда C<sub>1</sub> ва C<sub>12</sub> ёки C<sub>1</sub> ва C<sub>13</sub> атомларида эир боғи ҳосил бўлиши маълум. Ҳосил бўлган гетероцикл беш ёки олти аъзоли характерга эга. Спироциклогексан халқадаги ўринбосарларининг жойлашишини аниқлаш учун натрий металининг спиртдаги эритмаси таъсир эттирилади. Аralаш мадаги реакция махсулотидан иккита алоҳида бирикма ажратилди. Улардан бирининг таркиби (36) қуйидагича C<sub>19</sub>H<sub>27</sub>O<sub>3</sub>N, M-317 суюқланиш температураси 175-177 °, унга метаполяра эриган дизометан таъсир эттилса иккита реакция махсулоти ҳосил бўлади. Уларнинг асосийси O-металл эфирига (37) тўғри келади, бошқаси тўртламчи асосга (38) га тўғри келади. (37) ва (38) даги бензол халқасидаги жойлашган бирикмаларда иккита метоксил группанинг бўлиши (37) модданинг регеламиндан ҳосил бўлиши ароматик халқада фенол гидроксил борлигини кўрсатади.

(31) бирикмага сирка ангидрид таъсир эттирилса 0,N - диацетил ҳосиласи ҳосил бўлади. Бу шуни курсатадики, кислород кўпригининг узиш учун халқадаги битта гидроксил группа узилади. Бунда регелатин C<sub>11</sub> ёки C<sub>12</sub>-холатда иккита бирикма ҳосил қиласи. Ажратилган бирикма R ва спектрал маълумотларига кўра тетрагидройолантамин билан идентификация қилинди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб регеламин учун 1-окси-1,12-дезоксирегеламин тузилиш тўғри келиши исботланди.


Кесселридин- УБ-спектрда 219 ва 290 нм ютилиш максимумига эга. ИК-спектрда гидроксил группа ( $15590, 3420\text{-}3230 \text{ см}^{-1}$ ) ва бензол халқадаги – С=С-боғлари ютилиш чизиқлари бор.

Асоснинг хлоргидридини ПМР-спектридан N-метилл группанинг (3 му) да резононс сигналлари бор. Шундай қилиб, бу бирикмада сивринжондаги алкалоидлар учун характерли бўлган функционал группалар метоксил ва карбонил гурппалар йўқ.

Алкалоидларнинг тузилиши кимёвий ўзгаришлари ва спектрал маълумотлар асосида исботланди. Кесселридин калий карбонат иштироқида металл йодид таъсири эттирилса тетраметил эфирнинг йодметилати ҳосил бўлади. Биринчи босқичда монометил эфир ҳосил бўлади, у О-метилкесселрингиннинг гидролиз маҳсулоти билан идентификация қилинади.

Юқоридаги маълумотларга кўра кессельридин тузилишига кўра кессельрингинг яқин, срацитацетал метоксил группанинг ўрнига полуацетал группа борилиги аниқланди. Буни тасдиқлаш учун кессельрингинг гидролиз реакция маҳсулоти билан идентификация қилинади.

Юқорида маълумотларга асосланиб кессельридин учун 2, 11, 12 – триокси-1, 12 октагениягомопроапорфин тузилиши тўғри келиши аниқланди.



Регелин– УБ –спектрда 216, 225 ва 290 нм да ютилиш максимуми бор. ИК – спектрда гидроксил группанинг ( $3200 \text{ см}^{-1}$ ), бензол халқасининг С = С боғи ( $1600 \text{ см}^{-1}$ ) ва метилен группалар ( $1460 \text{ см}^{-1}$ ) да ютилиш чизиқлари бор. Асоснинг масс – спектрида қуйидаги интенсив ион пиклари бор: м/e 345 ( $M^+$ , 46 %), 344 ( $M - 1^+$ ) (100%) 330,326,302 ( $M-43$ )<sup>+</sup> 288,258,244,242,205,202 ПМР

спектрда N-металл группанинг (2,36 М·У) иккита О-метил группанинг (3,34 ва 3,74 М·У) ва бензол халқанинг протонлари синглет (6,42 М·У.) да кўринишида сигналлари намоён бўлади.

Асос сирка ангидрид билан реакция шароитга қараб ацеталланганда О-ацетил ва N, O-диацетил хосиласи () ва () хосил бўлади. Бу шуни кўрсатадики, унда тетрагидроизхинолин ва гидрокил группа борлигини кўрсатади. Охиргиси дилзометал билан хамда метал йодид билан ишқор иштирокида ацетилланмайди. Фақат диметилсульфат билан (ишқори эритмади) метилланса N,O-диметилрегелин хосил бўлади. Келтирилган маълумотлар, гидроксил группа алифатик халқада жойлашган.

Асоснинг йод метилатига ацетил хлорид таъсир эттирса О-ацетил хосиласи ажратилди. Бирикмани юмшоқ ацетиллаш гидроксил группа иккиламчи характерга эга эканлигини кўрсатади.

Регелин аммиак ва ишқорнинг сувли эритмалари таъсирига чидамли, суюлтирилган кислоталарда эса молекуланинг алифатик қисмida жойлашган метоксил группа гидролизга учрайди.

Унда 12-деметилрегелин хосил бўлади. Водород хлорид сақлаган спиртли эритмаларда асос кессельрингинга ўхшаб қайта эфирланиш реакцияларига киришади. Баъзи хосиллари хосил бўлади. Жумладан 5-7% водород хлорид сақланган и-бутил спиртда қиздирилса Н-бутил -12-деметилрегелин хосил бўлади (). Ушбу ўзгаришлар, шуни кўрсатадики асосдаги битта метоксил группа ацетал группировкада жойлашган. Регелидин тўртинчи кислород атоми худди регеламиндаги каби, ароматик халқа ва спироциклогексан халқа орасида эфир боғини ташкил этади.

Спектрал маълумотлар ва регелиннинг хоссалари тузилишига кўра регеламин ва кессельринга яқин. Учала бирикманинг формуласи ПМР – спектр маълумотларига кўра регелин регеламин ва кессельрингиннинг D – метил эфиридир.

Буни исботлаш учун кесельрингини диадометан метиллаш натижасида регелин металл эфири билан бир хил модда олинади.


Келтирилган маълумотларга асосланиб регелин учун 11-окси-2,12-диметокси -1,12 оксигексагомопроапорфин тузилиши тўғри келиши аниқланди.

Тригамин-УБ-спектрида 216-287 нмда ютилиш максимуми бор; ИК-спектрда гидроксил группалар ( $3400\text{-}3200\text{ cm}^{-1}$ ), бензол халқанинг  $\text{C}=\text{C}$  боғи ( $1600\text{ cm}^{-1}$ ) ва метилси группа ( $1480\text{ cm}^{-1}$ )да ютилиш чириқлари бор. ПМР-спектрда N-метил группанинг (2,34 М.У.), метоксил группанинг бензол халқада жойлашган (3,75 М.У.) ва бензол халқанинг протоллари (6,48 М.У.) да редоник сигналлари борлиги аниқланди. Асоснинг масс-спектрида қуийдаги ион пиклари аниқланди: M/g 317 ( $\text{M}^+$ , 49%), 316 ( $\text{M}-1$ )<sup>+100%</sup> 300,274,256,244,228,205,202.

Спектрал маълумотлар тригаминни гомопроапорфин қатори бирикмаларига киритди.


Асоснинг  $\text{C}_2$ -холатидаги метоксил группанинг жойлашиши Оверхаузернинг ички молекуляр ядро эфективини ўрганиш орқали аниқлашди.  $\text{C}_{11}$ -холатдаги иккиламчи спиртдаги гидроксил группанинг жойлашуви гомопроапорфни алкалоидлардаги биогенетик схемаси орқали таклиф этилди.

Келтирилган маълумотлар тригамин учун 1,11-диокси-2-метоксигексагидрогомопроапорфин тузилиши тўғриси келиши таклиф этилди.



Лутеин – Лутеин, регелинин ва лутеицин спектрал маълумотлар ва кимёвий ўзгаришларига кўра, кессельрингин ва унинг аналогларига жуда

яқиндир. Бир қанча вақт муаллифлар лутеинни кессельрингидан, регелин, регелини ва лутеициндан бир-биридан фарқини аниқлай олмадилар.



Муаллифлар уларнинг ПМР-спектрларини ва кимёвий ўзгаришларини чукур ўрганиб фарқини ўргандилар.

УБ-спектрда 210 ва 285 мда ютилиш максимуми бор ПМР-спектрда асоснинг гидроксил групга ( $3470\text{ см}^{-1}$ ), бензол халқа ( $1590\text{ см}^{-1}$ ) ва метилен групга ( $1470\text{ см}^{-1}$ )да ютилиш чизиқлари бор. Масс-спектрида қуйидаги ион турлари бор: T/E 331 ( $M^+$  43%), 330 ( $M-1)^+$ (100%), 288 ( $M-43)^+$ , 284, 270, 230, 228, 201.

Спектрик маълумотларига кўра у ютопин спироцеклогексан халқали гомопросторопен алкалоидлар групласига киритилди. Формуласига кўра  $C_{17}H_{17}(-O-)(OCu_3)(OH)_2$  типда.  $(NCu_3)_2$  кессельрингин ва регепамин билан бир хил. Шуларда келиб чиқсан холда бу бирикмалар спироциклогексан халқада ўринбосарларнинг жойлашиши билан фарқ қиласи.


Функционал группаларнинг жойлашиши ва характеристини тушуниш учун асосни бир қатор ўзгариш реакциялари ўтилди. Сульфат кислота иштироқида сирка ангидрид таъсир эттирилса 0,0-дицетил хосиласи () олинди. Сирка ангидрид ва натирий ацетат билан ацетиллаш натижасида 0,0-N-триацетил 1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ядро ва иккита гидроксил групга борлигини кўрсатади. Гидроксил группалардан бири фенолли хисобланади: у диазометан билан метилланади, унда О-метиллутеин () ажратилади.

Иккинчи гидрокик группа спиртли хисобланади. Метанолиз реакцияси ўтказилганда эмаслигини кўрсатади.

Лутеин суюлтирилган минерал кислоталарда куйдирилганда, осон гидролизланди ва 12-деметиллуеинга ўтади. Кислоталарда гидролиз ва ишқорлар таъсирига барқарорлиги асосдаги метоксил группа ацеталь группировкада жойлашган.

Лутеиннинг ПМР-спектридаги сингналларнинг тарқалиши ва характерига қўра кессельрингингнинг спектрига яқин. Луеиннинг спектрида бир қатор сигналларнинг қисмли силжиш кузатилади.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб лутеин учун 2,11-диокси -12 – метокси-1,12-оксигексагомопроапорфин тузилиш тўғри келиш исботланди [22].



## 2.4. Colchicum L таркибидаги гомопроапорфин асослари

Гомопроапорфин алкалоидлари гомоапорфинлар каби факат 1967 йилдан ўрганила бошланди. Ҳозирги вақтда бу гурухга киравчи табиий бирикмалар миқдори 26 тани ташкил этади (7-жадвал).

7-жадвал - Гомопроапорфин асослари

Алкалоид	Таркиби				Т.суюқ. <sup>0</sup> С	$(\alpha)_D B^O$	Ўсимлик номи
	C	H	O	N			
Крейзигинон	20	25	4	1	194	-	Kreysigia multiflora [1]
Дигидрокрейзигинон	20	27	4	1	217-222	-	-«- -«- [1]
Бульбокодин	19	23	3	1	220-222	+111	Bulbocodium vernum [2]
Кессельрингин	19	25	4	1	194-196	+96	Colchicum kesselringii [3]
Лутеидин	20	25	4	1	230-232	-90	Colchicumluteum [1]
Регеламин	19	25	4	1	224-226	+33	Colchicum kesselringii [5,6]
Йолантамин	20	25	3	1	215-216	+112	-«- -«- [5-7]
Лутеин	19	24	4	1	227-229	+93	Colchicumluteum [4]
Лутеицин	20	27	4	1	210-211	+112	-«- -«- [5]
Кессельридин	18	23	4	1	232-234	-50	Colchicum kesselringii [5]
Алкалоид G-2	19	23	4	1	228-230	-110	Gloriosa superba [8]
Алкалоид OGG-3		-			228-230	+11	Ornithoglossum glaucum [2]
Крокифлоринон	20	25	3	1	246-248	-	Colchicum kesselringii [9]
Лутеинин	20	27	4	1	188-190	-	Colchicumluteum [6, 11]
Регелин	20	25	4	1	198-200	+93	Colchicum kesselringii [6]
Регелидин	20	27	4	1	144-146	+58	-«- -«- [6]
Регеколин	19	23	4	1	312-314	+53	Colchicum kesselringii [19]
Изорегеколин	19	23	4	1	321-323	-	-«- -«- [20]
Регелион	19	19	5	1	316-317	-	-«- -«- [21, 22]
Изорегелион	19	19	5	1	321-323	-	-«- -«- [22, 23]
Регелинин	20	27	4	1	253-254	+46	-«- -«- [18]

Уларнинг асосий қисми академик А.С. Содиков ва унинг шогирдлари томонидан Марказий Осиёда ўсадиган лолагулдошлар оиласидаги - *Colchicum kesselringii* Rgi. ва *Colchicum luteum* Baker ўсимликларидан ажратиб олинган.

## **2.5. *Colchicum luteum baker* алкалоидлари**

Алкалоидлар ўсимликлар таркибида учрайдиган турли-туман тузилишга ҳамда физиологик фаолликка эга бўлган органик моддаларнинг йирик бир синфини ташкил этади. Уларнинг тузилишини ва физиологик фаоллигини чуқур ўрганиш назарий органик кимё ҳамда тиббиёт амалиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда ҳам уларни ўрганиш орқали олинаётган маълумотлар алкалоидларни янада чукурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Алкалоидлар ичida Лолагулдошлар оиласига кирувчи *Colchicum luteum baker* ва унга яқин бўлган ўсимликлар таркибида учрайдиган трополон алкалоидларига қизиқиш жуда юқори. Трополон алкалоидларининг тузилишини турли-туманлиги, муҳим физиологик фаолликка эга бўлиши ҳамда ўсимликлар таркибида янгидан-янги вакилларининг топилиши *Colchicum luteum baker* ва унга яқин бўлган ўсимликларни ўрганиш ниҳоятда долзарб эканлигини кўрсатади.

Ушбу лойиҳада, А.С.Содиқов ва унинг ходимлари томонидан биринчи марта ўрганилган *Colchicum luteum baker* ўсимлигини Сурхондарё вилояти шимолий ҳудудларида кенг тарқалган вакилларидан алкалоидлар йиғмасини ажратиб олиш ва уни чукурроқ таҳлил қилиш мақсад қилинган.

2012 йил апрель ойининг охирларида Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидан ўсимликнинг гуллаш даврида териб олинган сарик савринжоннинг 6 кг миқдри 7 литр 3% ли уксус кислотаси эритмаси билан экстракция қилинди. Кислотали экстракция бир кун давом эттирилиб, тахминан 3.6 л экстракт ажратиб олинди. Сўнгра бу иш тўрт кун давомида 3% ли уксус кислотасининг 4 литр (умумий 16 л) эритмаси билан олиб борилди. Натижада ҳаммаси бўлиб 23 л экстракт ҳосил қилинди.

Олинган экстрактнинг муҳити суюлтирилган сульфат кислота (1:1) эритмаси билан pH=1 гача келтирилди (жами 0,4 л сульфат кислота сарфланди). Сўнгра уч марта, ҳар бири 4 литрдан эфир билан ювилди. Кучли кислотали муҳитга эга бўлган сувли экстракт тўрт марта, ҳар бири 4

литрдан иборат бўлган хлороформ билан ювилди ва нейтрал ҳамда фенолли алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (экстракт А1).

Уксус кислотали эритма совутилиб, 25% ли аммиак эритмаси билан ( $\text{pH}=8$  бўлгунча) ишқорий муҳитга келтирилди ва ҳар бири 3 литрдан бўлган хлороформ билан 5 мартта экстракцияланди. Бунда асосли ва феноласосли табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (экстракт Б1).

А1 ва Б1 хлороформли экстрактлар 400 мл қолгунча эритувчиларни буғлатиб бойитилди. Бунда фенолли-кислотали фракция алкалоидлари биринчи мартта фенолли ва кислотали алкалоидларга ажратилди. Бунинг учун хлороформли А экстрактдан олинган ишқорий ва сувли ажратмалар, совутилган ҳолда аввал султирилган сульфат кислота эритмаси билан ( $\text{pH}=1$  бўлгунча), сўнгра аммиак билан ( $\text{pH}=8,5$  бўлгунча) қайта ишланди, ҳамда тўрт марта 140 мл дан хлороформ билан экстракцияланди. Бунда фенолли алкалоидлар фракцияси ҳосил бўлди. Қолган сувли эритмани кислотали муҳитга келтиргач кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди.

13-жадвал - *Colchicum luteum baker* ўсимлигидан ажратиб олинган алкалоидлар

Алкалоид табиати	Алкалоид миқдори, г
Нейтрал табиатли алкалоидлар	8,5
Фенолли алкалоидлар	1,56
Кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар	1,7
Ишқорда эrimайдиган бирикмалар	2,5
Фенолли-асосли алкалоидлар	17,95
Алкалоидлар йиғмаси	32,21

Ўсимлик гулларидан ажратиб олинган алкалоидлар фракцияси. Унинг баргидан ажратиб олинган фракциядан сифат таркибига кўра фарқ қилмайди. Қуйида ажратиб олинган алкалоидлар фракциясини хроматографик анализи орқали аниқланган сифат таркиби келтирилди.

14-жадвал - *Colchicum luteum baker* ўсимлигидан ажратиб олинган  
алкалоидларнинг хроматографик анализи

Фракция	Алкалоидлар ва уларнинг $R_f$	Хроматографик система
Нейтрал алкалоидлар	0,28 – Колхицин 0,38 – N-формилдезацетилколхицин 0,42 - $\beta$ - Люмиколхицин 0,96 –аниқланмади	7
Фенолли алкалоидлар	0,60 – 2-Деметил--люмиколхицин 0,42 – 3-Деметилколхицин 0,78 – аниқланмади	7
Кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар	0,30 – 3-деметилколхицин 0,66 – аниқланмади	7
Ишқорда эримайдиган бирималар	аниқланмади	1
Фенолли-асосли алкалоидлар	0,36 – Лутеидин 0,57 – Коллутин 0,54 – аниқланмади 0,50 – Лутеицин 0,76 – Лутеинин	1, 3, 5

$\beta$ -люмиколхицин, колхицин. Китоб туманида ўсадиган сариқ савринжон ўсимлигининг гуллаш даврида йигиб олинган тортимидан 1 кг алюминий оксид ёрдамида хроматография қилиниб 48,5 г нейтрал хусусиятли алкалоидлар фракцияси ажратиб олинди. Эфир-хлороформ (4:1) элюатидан 0,85 г  $\beta$ -люмиколхицин ажратиб олинди. Суюқланиш ҳарорати 184-185°C ва  $(\alpha)D_{20}$  -3020 (хлороформда 0,66). Навбатдаги элюатлар эфир-

хлороформ (1:1) ва хлороформ таркибидан 33,0 г колхицин ажратиб олинди. Суюқланиш ҳарорати 154-155<sup>0</sup>C ва ( $\alpha$ )D<sub>20</sub> -1200 (хлороформда 1,018).

2-деметил- $\beta$ -люмиколхицин, 2-деметил- $\gamma$ -люмиколхицин, 3-деметилколхицин. Қуритиб тайёрланган ўсимлик тортимидан 200 г алюминий оксидида колонкада хроматография қилиниб 6,0 г фенол хусусиятли алкалоидлар фракцияси ажратиб олинди. Эфир-хлороформ (1:1) элюатидан 0,60 г 2-деметил- $\beta$ -люмиколхицин ажратиб олинди. Суюқланиш ҳарорати 234-235<sup>0</sup>C, R<sub>f</sub>0,83(2-система).Хлороформли элюат таркибидан 1,17 г 2-деметил- $\gamma$ -люмиколхицин ажратиб олинди. Суюқланиш ҳарорати 291-293<sup>0</sup>C, R<sub>f</sub>0,74.

Хлороформ ва метанол (99:1) аралашмасидан иборат элюатдан 1,48 г 3-деметилколхицин ажратилди. Суюқланиш ҳарорати 180-183<sup>0</sup>C, ( $\alpha$ )D<sub>20</sub>-133,3 (хлороформда 1,70) ва R<sub>f</sub> 0,64.


3-деметилколхицеин. Қуритиб тайёрланган ўсимлик тортимидан 315 г силикагелда колонкада хроматография қилиниб 4,0 г фенол-кислотали хусусиятли алкалоидлар фракцияси ажратиб олинди. Эфир билан элюирлангандан кейин 0,16 г номаълум модда ажратиб олинди. Бу модда темир (III)-хлориднинг сувли эритмасини жигар рангга бўяйди. Навбатдаги элюатлар эфир ва эфир-хлороформ (99:1) таркибидан 2,1 г 3-деметилколхицеин ажратиб олинди. Эфир-хлороформ (97:3) аралашмасидан 0,37 г колхицеин элюирланди. Суюқланиш ҳарорати 173-175<sup>0</sup>C.

Лутеидин, лутеицин ва лутеинин. Китоб туманида ўсадиган сариқ савринжон ўсимлигининг гуллаш даврида йиғиб олинган тортим хроматография қилиниб асосан, тўртта - R<sub>f</sub> 0,36; 0,57; 0,54; 0,50 ва 0,76 бўлган 4,6 г алкалоидлар фракцияси 460 г целлюлоза билан колонкада хроматографик ажратиб олинди:

1. Асослар аралашмаси R<sub>f</sub> 0,36; 0,54.
2. Лутеидин, R<sub>f</sub> 0,36, t<sub>суюқ</sub>=230-232<sup>0</sup>C.
3. Лутеицин, R<sub>f</sub> 0,50, t<sub>суюқ</sub>=210-211<sup>0</sup>C.
4. Лутеинин, R<sub>f</sub> 0,76, t<sub>суюқ</sub>=188-190<sup>0</sup>C.

Асослар аралашмаси ацетонда кристалланди. 20,4 г асослар аралашмасидан ацетон билан қайта ишланиб, 10,6 г лутеидин кристаллари ажратиб олинди (хавода қуритилган ўсимлик массасига нисбатан 0,18%). Ацетонли қолдиқ аралашма таркибидан  $R_f$  0,21-лутеинин, 0,33-лутеицин, 0,43- лутеидин, 0,47-коллутин ва 0,54-идентификацияланмаган бирикма ажратилди.

Коллутин. Лутеиннинг ацетонли эритмасидан 5,0 г микдордаги асослар аралашмаси 500 г целлюлозада хроматография қилинди. Биринчи фракция  $R_f$  0,54 коллутин, кейингилари лутеидин, лутеицин ва лутеининдан иборат. Коллутин аралашмаси ва  $R_f$  0,54 бўлган бирикма алюминий оксидда қайта хроматографияланди. Элюат эфир ва эфир-ацетон аралашмаси (9:1,1:1) дан коллутин ажратилди, Суюқланиш ҳарорати 192-194°C. Ацетон ва хлороформ аралашмаси (1:1) билан яна элюирланиб,  $R_f$  0,54 бўлган бирикма ажратилди.



1) колхицин, 2) 3-деметилколхицин, 3) 2-деметилколхицин, 4) колхамин.

1-расм - Алкалоидларнинг кузги савринжоннинг турли қисмларида тарқалиш миқдори.


Кузги савринжоннинг илдизмевасидан колхицинни биринчи бўлиб Пельте ва Кавенту ажратиб олдилар. Бошқа тадқиқотчилар эса фақатгина ўсимликнинг уруғидан ажратиб олиш билан шуғулландилар. Тадқиқотлар натижасида савринжоннинг уруғида бошқа органларига қараганда қўпроқ алкалоидлар борлиги аниқланди. Кузги савринжоннинг турли органлари таркибидаги колхицин тадқиқотига бағишланган кўпгина ишлар бажарилган. Бу тадқиқотлардан аниқланишича, алкалоидлар ўсимликнинг уруғида -0,6-1,23%, баргода ва мевасининг атрофидаги органларда – 0,2% гача, шунингдек, илдизмевасида – 0,08-0,2% бўлади (1-расм).

Таркибида колхицин сақловчи бошқа ўсимликларнинг ҳам уруғида алкалоидлар, асосан колхициннинг миқдори кўп. Фақатгина, улар турли кўринишда бўлиб, бир хил тақсимланмаган (14-жадвал). Биттаси асосан уруғида тўпланса (кузги савринжон), бошқаси илдизмевасида (йирик савринжон), учинчиси уруғи, барги ва поясида (Кессельрингин савринжони ва сариқ савринжон) бўлади.

15-жадвал - Савринжонларнинг асосий қисмлари таркибидаги алкалоидлар, %

Ўсимлик	Илдизмеваси	Барги ва пояси	Уруғи
Colchicum autumnale	0,33-0,29 ёш илдизмевада, гуллаш даврида 0,88-0,26 эски илдизмевада, вегетация бошланишида 0,11-0,08	0,32-0,20   0,08-0,06	0,32-0,20   0,38-0,31
C. kesselringii	0,18-0,03	1,10-0,63	0,89
C. luteum	0,86-0,18	1,86-0,57	1,23-0,93

Жадвалдан кўриниб турибдики, алкалоид сақловчи хом-ашё тайёрлаш учун Ўрта Осиё савринжонлари қулай ҳисобланади. Алкалоидлар бу ўсимликларнинг асосан ер устки қисмларида тарқалган. Шунингдек, савринжонлар алоҳида органлари таркибидаги алкалоидларнинг сифати ва миқдори динамикаси билан ҳам ўзаро фарқ қиласи. Шунинг учун, кузги савринжондан фарқ қилиб, сариқ савринжоннинг уруғи ва илдизмевасида – колхицин ва N-формилдезацетилколхицин, илдизмевасининг пўстлоғида – колхицин ва лутеидин, барги ва поясида – лутеидиннинг миқдори бошқа асосларга нисбатан устунлик қиласи (2-расм).



1) колхицин, 2) N-формилдезацетилколхицин, 3)  $\gamma$ -люмиколхицин, 4) лутеидин, 5) бошқа алкалоидлар

2-расм- Алкалоидларнинг сариқ савринжоннинг турли қисмларида тарқалиш миқдори

Алкалоидлар йиғиндисининг сифат таркибини ўрганиш натижаларига кўра, тадқиқ этилган барча ўсимликлар таркибидаги алкалоидлар нейтрал хусусиятли бўлиб, асосан трополон алкалоидлари (колхицин ва бошқалар) ва кам миқдорда уларнинг фотокимёвий изомерлари ( $\gamma$ -люмиколхицин) ҳисобланади. Сариқ савринжоннинг пояси ва баргидан ажратиб олинган фенол хусусиятли алкалоидлар фракцияси асосан 3-деметилколхицин, 2-

деметил- $\beta$ -люмиколхицин, 2-деметил- $\gamma$ -люмиколхициндан иборат, илдизмевасидан эса 3-деметилколхицеин ажратиб олинди.

Охирги алкалоид сариқ савринжоннинг барги ва поясида ҳам миқдорий жиҳатдан бошқа қисмларига нисбатан устунлик қиласи. Бу ўсимликнинг илдизмеваси ва уруғидан ажратиб олинган фенолли алкалоидлар фракциясида асосан 3-деметилколхицеин мавжуд. Кислотали фракцияда трополон қатори бирикмалари, кучли асосли фракция асосан гомопроапорфин ва апорфин қатори алкалоидларидан иборат.

Шундай қилиб, тадқиқ этилган ўсимликлар таркибидаги алкалоидларнинг сифат ва миқдорий динамикаси бир-биридан катта фарқ қиласи, бу эса ўрганилган ўсимликлардаги алкалоидларнинг биогенези билан боғлиқ.

### **III БОБ.COLCHICUM KESSELRINGI ВА COLCHICUM LUTEUM ЎСИМЛИКЛАРИ АЛКАЛОИДЛАРИНИНГТАДҚИҚОТИ.**

#### **3.1. Colchicum *kesselringi* ўсимлигининг**


##### **алкалоидларини ажратиш**

Алкалоидлар асос хусусиятига эга булган, азот тутган мураккаб тузилишли органик моддалардир. Биринчи алкалоид бундан 200 йил олдин ажратиб олинган бўлса, хозирги вактда уларнинг сони бир неча мингдан ошиб кетди ва кундан-кунга ўсимликлардан янги алкалоидлар ажратиб олинмокда. Ушбу моддалар халқ табобатида кенг кулланилмокда ва уларнинг тузилишини урганиш биз учун мухим ахамиятга эга.

Алкалоидлар таркибига кўра бир неча синфларга булинади. Уларнинг орасида изохинолин грухси тутган алкалоидлар алоҳида урин тутади. Ушбу грух алкалоидлари тиббиётда ишлатилсада, уларнинг купчилигига организм ўрганувчан булиб колади. Бу эса организмни аста-секин нобуд булишига олиб келади. Изохинолин алкалоидлар грухига морфин, кодеин, тебаин, героин ва бошка кучли наркотик моддалар киради.

Колхицин сақлаган ўсимликлар оиласига мансуб ок савринжон (*Colchicumkesselringi*) Марказий Осиёда кенг таркалган. Ушбу ўсимлик академик О.Содиков, проф. М.К.Юсупов, проф. Х.Асланов ва бошка муаллифлар томонидан ўрганилган. Адабиётлардан маълумки ўсимликнинг ўсиш жойи ўзгарса унинг таркиби ҳар хил бўлиши аникланган. Шу мақсадда биз Сурхондарё ва Қашқадарёда ўсадиган ок савринжон ўсимлигини ўргандик.

Ок савринжон ўсимлигининг бош алкалоиди кессельрингин (I) ва шу билан бирга минор алкалоидлар учрайди.



38

Ўсимлик таркибидан алкалоидни ажратиш ва идентификациялаш учун унинг ер устки қисми йигилиб соя жойда куритилди ва майдаланди. Майдаланган усимлик устига 5-3% ли сирка кислота куйилди ва эрталабгача колдирилди. Эритма алохига идишга куйиб олинди ва яна 5-3% ли сирка кислота куйилди хамда бу холат 5-6 марта кайтарили. Экстрактлар йигилиб эритманинг pH=1 булгунга кадар 1:1 кислота кушилди ва хлороформ билан турт марта экстракция килинди. Хлороформли кисмлар йигилиб сув билан ювилди ва сув хаммолида хлороформ хайдалди. Бу йигинди нейтрал фракциядир.

Сувли кисм pH=8 булгунга кадар аммиак кушилди ва хлороформ билан турт марта экстракция килинди. Хлороформли кисм сув билан ювилиб сув хаммолида хлороформ хайдалди ва асос фракциялар йигиндиси олинди. Биз урганаётган изохинолин алкалоидлар асос фракциясида булади. Асос фракциясини олдиндан маълум алкалоидлар билан когоз ва юпка катламили хромотография усули билан текширилди. Юкоридаги усулар ёрдамида асос фракциясини фенол асосли ва асосли кисмларга ажратилди. 8-жадвалда ок савринжондан ажратилган изохинолин алкалоидлари келтирилган.

#### 8-жадвал - Оқ савринжондан ажратилган алкалоидлар

№	Бирикма	Таркиби	Суюкланиш харорати	$\alpha_D$
1	Кессельрингин	C <sub>19</sub> H <sub>25</sub> O <sub>4</sub> N	197-198	+53
2	Лутеин	C <sub>19</sub> H <sub>25</sub> O <sub>4</sub> N	228-229	+93

3	Регелин	$C_{20}H_{27}O_4N$	199-200	+93
4	Регеламин	$C_{19}H_{25}O_4N$	224-226	+33
5	Регеколин	$C_{19}H_{23}O_4N$	312-314	+53
6	Изорегеколин	$C_{19}H_{23}O_4N$	285-287	
7	Регенион	$C_{19}H_{19}O_5N$	316-317	+
8	Изорегелион	$C_{19}H_{19}O_5N$	321-323	
9	Регелинин	$C_{20}H_{27}O_4N$	253-254	
10	Регеколхин	$C_{19}H_{25}O_4N$	230-231	+36
11	12-Деметиллутеин	$C_{18}H_{23}O_4N$	177-178	
12	12-Деметилреколин	$C_{18}H_{21}O_4N$		

Фенол—асослар алкалоид ажратиши. Кессельриннинг оқ савринжондан ажратилган ишқорда эриимайдиган асослар ацентонди қийма ишланганда  $R_f$  0,75 га тенг оч малла рангли кристаллар хосил бўлади. Қайта кристаллаш натижаситда суюлтириш температура  $251-252^0$  тенг бўлган 0,16г оқ кристаллар олинди. Спектрал маълумотларга кўра бу бирикма оқ сарвингондан ажратилган регеколинин билан идентификация қилинди.

12-Деметилреколинни ажратиши. Эритувчиси хайдалган регелишини 2,03 г миқдорини 2002 целлюлозини хроматография қилинди. Элюатлар ҳар 10 мл олинди.  $R_f$  0,75 ва 0,56 га тенг бўлган индивидуаль бирикмаларни бирлаштирилди. Алкалоидлар элюатлардан 3%-ли сульфат кислота билан ажратилди. Кислотали алкалоидлар экстрактларини хлороформ билан ювилди, аммиак қўшилди ва хлороформ билан экстракция қилинди.

Қуритилган хлороформли экстрактларни 2-32 алюминий оксиддан ўтказилди. Эритувчи хайдалди ва ацetonдан кристаллантирилди.  $R_f$  0,75 ва  $R_f$  0,56 га тенг бўлган бирикма ажратилди. Реколин суюқланиш температураси  $312-314^0$ .

### 3.2. *Colchicum luteum* ўсимлигининг алкалоидларини ажратиш

Савринжонлар турига киравчи колхицин (*Colchicum L.*) Марказий Осиёда кенг тарқалган Лолагулдошлар оиласига киради ва алкалоидларга бой ўсимлик хисобланади. Ўрта Осиёда уларнинг олтита тури учрайди, улар оқ савринжон (*Colchicum kesselrigii Pgl.*), сариқ савринжон (*C. Luteum Buner*) йирик Санграйқулоқ (*Merendera robusta*), Мерендера йаланта (*M. Jolantae*), Хисор мерендераси (*M. hissarica Rgl*) ва япалоқбурун мерендера (*M. Sobolifera*). Биринчи тўрттаси ўсмага қарши ишлатиладиган препаратлар колхамин ва колхицин алкалоидларини олишда манбаа сифатида ўрганилган.

9-жадвал - Савринжонларнинг янги алкалоидлари

№	Алкалоид	Таркиби				T <sub>суюк</sub> , °C	[α] <sub>D</sub>	Манбаи
		C	H	O	N			
1	3-Диметилколхицин	20	21	5	1	Аморф	-	<i>C.luteum</i>
2	Дезацетилколхицин	20	23	5	1	Аморф	-146	<i>M.robusta</i>
3	Дезацетилколхицин	19	21	5	1	151-153	-185	<i>M.robusta</i>
4	2-Диметил-γ-люмиколхицин	21	23	6	1	291-293	-440	<i>C.luteum</i>
5	2-Диметил-γ-люмиколхицин	21	23	6	1	287-288	-420	<i>C.Kesselringii</i>
6	Аллоколхицин	22	25	6	1	255-257	-140	<i>C.Kesselringii</i>
7	3-Диметилалло-колхицин	21	23	6	1	238-240	-150	<i>C.Kesselringii</i>
8	Специозамин	28	31	5	1	192-194	-42	<i>C.sheiosum</i>
9	Шовицидин	22	29	5	1	-	-	<i>C.azovitsii</i>
10	Мерендерин	21	25	5	1	229-230	+105	<i>M.radde</i>
11	Шовицамин	22	27	5	1	188-190	+86	<i>C.azovitsii</i>
12	О-Метилкрейзегин	23	29	5	1	-	+82	<i>C.azovitsii</i>
13	Шовицинин	21	25	5	1	-	-	<i>C.azovitsii</i>
14	Мерадинин	21	25	5	1	251-252	+128	<i>M.radde</i>
15	Йолантамин	19	23	3	1	215-216	+112	<i>M.jolantae</i>
16	Крокифлоринон	20	25	3	1	246-248	-	<i>C.Kesselringii</i>
17	Йолантан	20	27	4	1	269-270	-	<i>M.jolantae</i>

9- жадвал - давоми

№	Алкалоид	Таркиби				T <sub>суюк</sub> , °C	[α] <sub>D</sub>	Манбай
		C	H	O	N			
18	Лутейидин	20	25	4	1	231-232	-96	C.luteum
19	Кессельрингин	19	25	4	1	197-198	+53	C.Kesselringii
20	Регеламин	19	25	4	1	224-226	+33	C.Kesselringii
21	Кессельридин	18	23	4	1	232-234	-50	C.Kesselringii
22	Регелин	20	27	4	1	199-200	+93	C.Kesselringii
23	Регелидин	20	27	4	1	144-146	-	C.Kesselringii
24	Лутеин	19	25	4	1	228-229	+93	C.luteum
25	Лутейцин	20	27	4	1	210-211	+112	C.luteum
26	Тригамин	19	27	3	1	169-170	-7	M.trigina
27	Йолантамин	18	23	4	1	272-273	+98	M.jolantae
28	Крокифлорин	22	27	5	1	209-210	-255	C.Kesselringii
29	Крокифлоринин йодметилат					245-246	-	C.Kesselringii
30	Регелинон	19	19	5	1	316-317	-	M.trigina
31	Йолантинин	38	44	5	1	-	-	M.jolantae
32	Лутейнин	19	25	3	1	188-190	-105	C.luteum
33	Регелинин йодметилат					253-254	-	C.Kesselringii
34	Крокифлоридин					274-276	-	C.Kesselringii
35	Коллутин	21	25	5	1	192-194	-182	C.luteum
36	Изорегелинон	19	19	5	1	321-323	-	C.Kesselringii
37	Регеколин	19	23	4	1	312-314	-	C.Kesselringii
38	Изорегеколин	19	23	4	1	284-286	-	C.Kesselringii
39	Йолантидин	18	23	4	1	275-277	+102	M.jolantae
40	N-тригамин оксиди	19	27	4	1	201-202	+10	M.jolantae
41	Лутейнон	19	23	4	1	237-238	-	C.luteum
42	N-коллутин оксиди	21	25	6	1	217-219	-204	C.luteum
43	O-Метиландроцимбин	22	27	5	1	176-178	-140	C.azovitsii

1961 йилда оқ савринжондан кессельрингин ажратилган - у сарвинжонлардан ва мерендерадан ажратилган биринчи гомопроапорфин алкалоид хисобланади. {2} Бу алкалоид колхициндан трополон халқаси

йўқлиги билан фарқ қиласи. Бу эса бир қатор реакциялар ва хосилалари билан характерланади. Кейинчалик оқ ва сариқ савринжон ўсимликларининг ер устки қисмидан бир қатор алкалоидлар ажратилди. Юқоридаги ўсимликлардан ажратилган алкалоидларнинг сифат таркиби ва уларнинг органларида тарқалиши ўрганилган.

Француз олимлари Пельте ва Кавету колхицинни кузги савринжоннинг пиёзидан ажратганлар. Аммо, бошқа олимлар ушбу алкалоидни унинг уругидан ажратганлар, бу шуни кўрсатадики, савринжонларда бошқа органларига нисбатан гомопроапорфин алкалоидлари уруғида кўп бўлади. Колхицинни кузги савринжоннинг турли органларида тарқалишига бағишлиган бир қатор ишлар эълон қилинган. Колхицин ушбу ўсимликнинг уруғида 0,60-1,23 % , барги ва поясида-0,2% ва пиёзида 0,08-0,2% гача бўлади. Бошқа колхицин сақлаган ўсимликларда колхицин асосан уруғида кўп бўлади, лекин, улар турли турларида бир хил тарқалган эмас.

Савринжонларда алкалоидларнинг сақланиши сифат ва миқдор жихатидан фарқ қиласи. Алкалоидлар йигиндисининг сифат таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилган ўсимликларнинг ҳаммасида нейтрал характердаги алкалоидлар фракцияси - асосан трополон алкалоидлар жамлигидан иборат эканлиги аниқланди. Сариқ савринжон турли хил регионларда терилганда, асосан асосли фракция бир биридан фарқ қилиши аниқланди.

#### 10-жадвал - Савринжонларда алкалоидларнинг миқдори

Ўсимлик	Пиёзи	Барги ва пояси	Уруғи
Кузги савринжон	0,33-0,29 гуллаш даври	0,32-0,20	0,32-0,20
	0,88-0,26 уруғланиш даври	0,08-0,06	0,38-0,3
Оқ савринжон	0,18-0,03	0,10-0,63	0,89
Сариқ савринжон	0,86-0,18	1,86-0,57	1,23-0,93
C-speciosum	0,58,041		

### **3.3. Оқ савринжон илдизмеваларидан алкалоидларни ажратиш**

Оқ савринжон (*Colchicum Rgl*) тури ўсимликлари Марказий Осиёда кенг тарқалган ҳамда кўп миқдорда алкалоид тутувчи Лолагулдошлар оиласига кирувчи ўсимликлар ҳисобланади. Марказий Осиёда уларнинг олти тури- безвременник кессельринга (*C kesselringii Rgl.*), безвременник желтый (*C luteum Baker*), мерендера групповая (*M robusta Bge.*), мерендера йоланты (*M. Jolanta E.Czerniak*), мерендера гиссарская (*M hissarica Rgl*) и мерендера отпрысконосная (*Msobolifera C.A.M*). Шундан тўрттаси ўсимталарга қарши ишлатиладиган қимматбаҳо бирималар-колхицин, колҳамин ҳамда изохинлин асослари тутувчи янги гуруҳ алкалоидлари сақлаган сифатида ўрганилган.

Ушбу лойиҳада Оқ савринжон (*C kesselringii Rgl*) ўсимлиг илдизмевалари таркибидаги алкалоидлар ўрганилди. Ўсимлик таркибидан 12 алкалоид ажратиб олинган бўлиб, улардан 10 таси иккитаси қоғоз хроматографияси ва юпқа қатламли хроматографияда маълум бўлган алкалоидлардан фарқ қилиши аниқланди. Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудидан 2014 йил 9 ва 24 майда гуллаш ва гуллашнинг сўнгги даврида йиғиб олинган оқ савринжоннинг 4,2 кг қуритилган ва майдаланган барги ҳамда поясидан маълум усуllар бўйича алкалоидлар ажратиб олинди. Алкалоидлар фракциясининг таркиби қуйидагича:

Нейтраль хусусиятли алкалоидлар -	7,5 г (0,17%);
Фенолли алкалоидлар	- 1,6 г (0,04%);
Кислотали алкалоидлар	- 0,9 г (0,02%);
Ишқорда эrimайдиган алкалоидлар-	1,95 г (0,04%);
Фенол-асосли алкалоидлар	- 10,2 г (0,024%);
Алкалоидлар фракциясининг йиғиндиси -	22,15 г (0,51%).

Оқ савринжон (*C kesselringii Rgl*) илдизмеваларидан ажратиб олинган нейтрал табиатли алкалоидлар фракцияси унча кўп миқдорда бўлмаган β-люмиколхицин аралашган колхициндан иборат бўлади. Нейтрал табиатли алкалоидлар тутган фракция билан бир қаторда фенолли бирималар

фракциясини алоҳида моддаларга препаратив ажратиш катта қизиқиши үйғотади. Бунга сабаб, ушбу фракцияда ҳам алкалоидлар йиғмаси кўп микдорда бўлиб, юпқа қатламли хроматографик анализ қилинганда илгари мълум бўлмаган бирикмалар борлиги аниқланди.

Оқ савринжонни (*C kesselringii* Rgl) мева туғиши даврида териб олинган илдизмеваларидан ажратилган нейтрал табиатли алкалоидлар фракциясининг 7,2 грами 40 г алюминий оксид солинган хроматографик колонка орқали ўтказилди. Бирикмалар қуидаги кетма-кетликда элюатланди (фақат индивидуал бирикмалар тутувчи фракциялар келтирилди).

1. Элюат I – эфир-хлороформ, I: I, 40 мг 2-деметил –  $\beta$  – люмиколхицин,  $R_f$  – 0,79 (система X), ( $t_c=236\text{-}237$  °C)
2. Элюат 2 – эфир-хлороформ, I:2, I:4, 0,32 г 3-деметил –  $\beta$  – люмиколхицин,  $R_f$  – 0,40 ( $t_c=198\text{-}200$  °C)
3. Элюат 3 – эфир-хлороформ, I:4 и хлороформ, 4,03 г 3 – деметилколхицин,  $R_f$  – 0,36 ( $t_c=179\text{-}182$  °C)
4. Элюат – хлороформ, 20 мг 3- деметил -  $\gamma$  - люмиколхицин,  $R_f$  – 0,31 ( $t_c=287\text{-}288$  °C)

Барча моддалар ацетонда кристалланди.

### **3.4. Оқ савринжон (*C kesselringii* Rgl) гулидан алкалоидларни ажратиш**

2013 йил апрель ойида Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан териб олинган Оқ савринжоннинг (*C kesselringii* Rgl) 1,0 кг гуллари 5 литр 3% ли уксус кислотаси эритмаси билан экстракция қилинди. Кислотали экстракция бир кун давом эттирилиб, тахминан 3,6 л экстракт ажратиб олинди. Сўнгра бу иш тўрт кун давомида 3% ли уксус кислотасининг 4 литр (умумий 16 л) эритмаси билан олиб борилди. Натижада ҳаммаси бўлиб 23 л экстракт ҳосил қилинди.

Олинган экстрактнинг муҳити суюлтирилган сульфат кислота (1:1) эритмаси билан pH=1 гача келтирилди (жами 0,4 л сульфат кислота сарфланди). Сўнгра уч марта, ҳар бири 4 литрдан эфир билан ювилди.

Кучли кислотали мұхиттаға эга бўлган сувли экстракт тўрт мартта, ҳар бири 4 литрдан иборат бўлган хлороформ билан ювилди ва нейтрал ҳамда фенолли алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (Экстракт А).

Уксус кислотали эритма совутилиб, 25% ли аммиак эритмаси билан ( $\text{pH}=8$  бўлгунча) ишқорий мұхиттаға келтирилди ва ҳар бири 3 литрдан бўлган хлороформ билан 5 мартта экстракцияланди. Бунда асосли ва феноласосли табиаттаға эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (экстракт Б).

А ва Б хлороформли экстрактлар 400 мл қолгунча эритувчиларни буғлатиб бойитилди. Бунда фенолли-кислотали фракция алкалоидлари биринчи мартта фенолли ва кислотали алкалоидларга ажратилди. Бунинг учун хлороформли А экстрактдан олинган ишқорий ва сувли ажратмалар, совутилган ҳолда аввал султирилган сульфат кислота эритмаси билан ( $\text{pH}=1$  бўлгунча), сўнгра аммиак билан ( $\text{pH}=8,5$  бўлгунча) қайта ишланди, ҳамда тўрт мартта 140 мл дан хлороформ билан экстракцияланди. Бунда фенолли алкалоидлар фракцияси ҳосил бўлди. Қолган сувли эритмани кислотали мұхиттаға келтиргач кислотали табиаттаға эга бўлган алкалоидлар йиғмаси қўйидаги миқдорларда ажратиб олинди.

#### 11-жадвал - Оқ савринжон (*C kesselringii* Rgl) гулларидан ажратилган

##### алкалоидлар

Алкалоид табиати	Алкалоид миқдори, г	Алкалоид миқдори, %
Нейтрал табиатли алкалоидлар	0,20	0,06
Фенолли алкалоидлар	0,72	0,2
Кислотали табиаттаға эга бўлган алкалоидлар	0,84	0,23
Ишқорда эrimайдиган бирикмалар	0,08	0,02
Фенолли-асосли алкалоидлар	0,02	0,01
Алкалоидлар йиғмаси	1,86	0,52

Ўсимлик гулларидан ажратиб олинган алкалоидлар йиғмаси хроматографик анализ ёрдамида аниқланди. Анализ натижаларига кўра ўсимлик гулларидан ажратиб олинган алкалоидлар йиғмаси, унинг баргидан

олинган алкалоидлар йиғмасидан сифат таркибига кўра фарқ қилмайди.

Хроматографик анализ натижалари жадвалда келтирилди:

12-жадвал - Оқ савринжон (*C kesselringii Rgl*) гулларидан ажратилган алкалоидларнинг хроматографик анализи

Фракция	Алкалоидлар ва уларнинг $R_f$	Хроматографик система
Нейтрал табиатли алкалоидлар	0,28 – колхицин 0,42 – $\beta$ – люмиколхицин 0,96 – аниқланмади	7
Феноль табиатга эга бўлган алкалоидлар	0,28 – 2-деметил $\beta$ – люмиколхицин 0,06 – 3-деметилколхицин 0,42 – аниқланмади 0,78 - аниқланмади	7
Кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар	0,30 – 3-деметилколхицеин 0,66 – аниқланмади	7
Ишқорда эримайдиган асослар	0,16 – аниқланмади 0,56 – аниқланмади 0,75 - аниқланмади	1
Фенолли асосли алкалоидлар	0,67 – Лутеин 0,57 – аниқланмади 0,43 – Лутеин 0,26 – изорегелион 0,15 - изорегеколин	1 2

### 3.5.Оқ савринжон уруғидан алкалоидларни ажратиш

Ҳар хил ўсимликларнинг турли қисмларида алкалоидларнинг сифат жиҳатдан тақсимланиши ўрганилди. Пельте ва Кавенту колхицинни биринчи марта Оқ савринжоннинг илдиз меваларидан ажратиб олганлар. Бироқ

бошқа олимлар бу алкалоидни ўсимликнинг уруғидан ажратиб олиш билан шуғулланишган. Бунга сабаб, ўсимлик уруғида унинг бошқа қисмларига қараганда кўпроқ алкалоид тутишидир. Сарик савринжоннинг турли хил қисмларидағи колхициннинг миқдорини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, унинг миқдори ўсимлик танасининг турли қисмларидағи миқдори бир-биридан кескин фарқ қиласди. Масалан, ўсимликнинг уруғида колхициннинг миқдори 0,6-1,23 % га teng бўлса, унинг баргларида 0,2 %, илдизмеваларида эса 0,08- 0,02 % ни ташкил этади.

Ушбу лойиҳада Оқ савринжон (*C kesselringii Rgl*). ўсимлигининг уруғидан алкалоидларни ажратиб олиш ва уларни ўрганиш натижалари келтирилган.

2013 йил май ойида Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани “Қайроқ” қишлоғидан териб олинган Оқ савринжоннинг 0,8 кг миқдри 5 литр 3% ли уксус кислотаси эритмаси билан экстракция қилинди.

Кислотали экстракция бир кун давом эттирилиб, тахминан 3,6 л экстракт ажратиб олинди. Сўнгра бу иш тўрт кун давомида 3% ли уксус кислотасининг 4 литр (умумий 16 л) эритмаси билан олиб борилди. Натижада ҳаммаси бўлиб 23 л экстракт ҳосил қилинди.

Олинган экстрактнинг муҳити суюлтирилган сульфат кислота (1:1) эритмаси билан pH=1 гача келтирилди (жами 0,4 л сульфат кислота сарфланди). Сўнгра уч мартта, ҳар бири 4 литрдан эфир билан ювилди. Кучли кислотали муҳитга эга бўлган сувли экстракт тўрт мартта, ҳар бири 4 литрдан иборат бўлган хлороформ билан ювилди ва нейтрал ҳамда фенолли алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (Экстракт А).

Уксус кислотали эритма совутилиб, 25% ли аммиак эритмаси билан (pH=8 бўлгунча) ишқорий муҳитга келтирилди ва ҳар бири 3 литрдан бўлган хлороформ билан 5 мартта экстракцияланди. Бунда асосли ва феноласосли табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (экстракт Б).

А ва Б хлороформли экстрактлар 400 мл қолгунча эритувчиларни буғлатиб бойитилди. Бунда фенолли-кислотали фракция алкалоидлари

биринчи марта фенолли ва кислотали алкалоидларга ажратилди. Бунинг учун хлороформли А экстрактдан олинган ишқорий ва сувли ажратмалар, совутилган ҳолда аввал султирилган сульфат кислота эритмаси билан ( $\text{pH}=1$  бўлгунча), сўнгра аммиак билан ( $\text{pH}=8,5$  бўлгунча) қайта ишланди, ҳамда тўрт марта 140 мл дан хлороформ билан экстракцияланди. Бунда фенолли алкалоидлар фракцияси ҳосил бўлди. Қолган сувли эритмани кислотали мухитга келтиргач кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди.

Ўсимликнинг уруғидан ажратиб олинган алкалоидлар йиғмаси очиқ сариқ ранги бўлиб, унинг таркибида смоласимон моддалар деярли йўқлигини кўрастади. Алкалоидлар йиғмасининг асосий қисмини ташкил этган нейтрал ва фенолли қисмлар хроматографик усулда индивидуал моддаларга ажратилди.

Нейтрал табиатли алкалоидлар фракциясининг 3,45 грами 100 грамм алюминий оксидида хроматографияланди. Элюат сифатида эфир ва эфир-хлороформ (9:1, 2:1, 1:1), хлороформ ва хороформ-метанол (98:2) ва этилацетат системаларидан фойдаланилди. Оз миқдода бўлган, трополон ҳалқаси тутмаган бирикмалар эфирли ва эфир-хлороформли элюатларда борлиги аниқланди. Хлороформ ва хороформ-метанолли (98:2) элюатларда 1,8 г колхицин ( $t_c=156-157$  °C) ҳамда этилацетатли элюатдан 0,14 г N-формилдезацетил-колхицин ( $t_c=262-263$  °C) ажратиб олинди.

Сариқ рангли фенолли алкалоидлар фракцияси хлороформда осон кристалланади. У асосан 2-деметилколхициндан иборат. Уни тозалаш учун 3,0 г фракция 30г алюминий оксидида хроматографияланди. Хлороформли ва хлороформ-метанолли (98:2) элюатлардан 2,42 г 2-деметилколхицин ( $t_c=262-263$  °C) ажратиб олинди.

### **3.6. Сариқ савринжон илдизмевасидан алкалоидларни ажратиб олиш**

Сариқ савринжон илдизини асос табиатига эга бўлган алкалоидларини ўрганиш натижасидагомопроапорфин бирикмаларидан ташқари, номаълум тузилишили аммо асос табиатига эга бўлган бирикмалар ҳам борлиги аниқланди.

Сариқ савринжоннинг илдизини биринчи марта Пельте ва Кавенту ўрганган ҳамда ундан колхицинни ажратиб олган. Улар Сариқ савринжон ўсимлигининг танасини турли қисмларида алкалоидлар таркиб ва миқдорий жиҳатдан фарқ қилишини аниқлаганлар. Масалан, Сариқ савринжон ўсимлигининг илдиз мевасида кузги савринжондан фарқли равишда лутеидиннинг миқдори колхицин ва 3-де-метилколхицинга қараганда кўп бўлса, пўстлоғи ва илдизмевасида колхицин ва лутеидин, барглари ва танасида эса лутеидиннинг миқдори кўп бўлади.

Ушбу лойиҳада Сариқ савринжон (*C luteum Baker*) ўсимлигининг илдиз меваларидан алкалоидларни ажратиб олиш ва уларни тадқиқот қилишнинг натижалари келтирилган.

Ажратиб олинган алкалоидларнинг йиғмасини ўрганиш натижасида нейтрал табитга эга бўлган алкалоидлар асосан трополон алкалоидлари ва озроқ миқдорда уларнинг фотокимёвий изомерларидан иборатлиги, барглари ва тана қисмидан ажратиб олинган фенол табиатига эга бўлган алкалоидлар эса асосан 2-деметил- $\beta$ -люмиколхициндан, илдизмевалар ва уруғларидан олинган алкалоидлар йиғмасида 3-деметилколхицин кўплиги аниқланди. Худди шунингдек 3-деметилколхицин Сариқ савринжон тури ўсимликларининг барги ва тана қисмida ҳам кўп миқдорда бўлади. 3-деметилколхицин, ушбу ўсимликнинг илдизмевасини фенолли фракциясини ҳам асосий алкалоидлардан бири ҳисобланади.

### **3.7. Сарик савринжон гулларидан алкалоидларни ажратиб олиш**

Қашқадарё вилоятининг китоб туманидан 2013 йил май ойида терилган 0,4 кг сарик савринжон ўсимлигининг гуллари 5 л 3% ли уксус кислотаси билан экстракция қилинди. Кислотали экстракция бир кун давом эттирилиб, тахминан 3.6 л экстракт ажратиб олинди. Сўнгра бу иш тўрт кун давомида 3% ли уксус кислотасининг 4 литр (умумий 16 л) эритмаси билан олиб борилди. Натижада ҳаммаси бўлиб 23 л экстракт ҳосил қилинди.

Олинган экстрактнинг муҳити суюлтирилган сульфат кислота (1:1) эритмаси билан pH=1 гача келтирилди (жами 0,4 л сульфат кислота сарфланди). Сўнгра уч марта, ҳар бири 4 литрдан эфир билан ювилди. Кучли кислотали муҳитга эга бўлган сувли экстракт тўрт марта, ҳар бири 4 литрдан иборат бўлган хлороформ билан ювилди ва нейтрал ҳамда фенолли алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (Экстракт А).

Уксус кислотали эритма совутилиб, 25% ли аммиак эритмаси билан (pH=8 бўлгунча) ишқорий муҳитга келтирилди ва ҳар бири 5 литрдан бўлган хлороформ билан 5 марта экстракцияланди. Бунда асосли ва феноласосли табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (экстракт Б).

А ва Б хлороформли экстрактлар 400 мл қолгунча эритувчиларни буғлатиб бойитилди. Бунда фенолли-кислотали фракция алкалоидлари биринчи марта фенолли ва кислотали алкалоидларга ажратилди. Бунинг учун хлороформли А экстрактдан олинган ишқорий ва сувли ажратмалар, совутилган ҳолда аввал сultonтирилган сульфат кислота эритмаси билан (pH=1 бўлгунча), сўнгра аммиак билан (pH=8,5 бўлгунча) қайта ишланди, ҳамда тўрт марта 140 млдан хлороформ билан экстракцияланди. Бунда фенолли алкалоидлар фракцияси ҳосил бўлди. Қолган сувли эритмани кислотали муҳитга келтиргач кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди. Ажратиб олинган алкалоидлар йиғмаси таркиби қўйида келтирилди.

16-жадвал - Сариқ савринжон гулларидан ажратиб олинган  
алкалоидлар

Алкалоид табиати	Алкалоид миқдори, г	Алкалоид миқдори, %
Нейтрал табиатли алкалоидлар	3,96	0,99
Фенолли алкалоидлар	0,52	0,13
Кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар	0,20	0,05
Ишқорда эримайдиган бирикмалар	1,16	0,29
Фенолли-асосли алкалоидлар	0,48	0,12
Алкалоидлар йиғмаси	6,32	1,58

Ўсимлик гулларидан ажратиб олинган алкалоидлар фракцияси. Унинг баргидан ажратиб олинган фракциядан сифат таркибига кўра фарқ қилмайди. Қуйида ажратиб олинган алкалоидлар фракциясини хроматографик анализи орқали аниқланган сифат таркиби келтирилди.

17-жадвал - Сариқ савринжон гулларидан ажратиб олинган  
алкалоидларнинг хроматографик анализи

Фракция	Алкалоидлар ва уларнинг $R_f$	Хроматографик система
Нейтрал алкалоидлар	0,28 – Колхицин 0,42 – $\beta$ – люмиколхицин 0,96 – аниқланмади	7
Феноллиалкалоидлар	0,74 – 2-деметил $\gamma$ –	

	люмиколхицин 0,06 – 3-деметилколхицин 0,42 – аниқланмади 0,78 - аниқланмади	7
Кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар	0,30 – 3-деметилколхицеин 0,66 – аниқланмади	7
Ишқорда эримайдиган бирикмалар	0,16 – аниқланмади 0,43 – аниқланмади 0,75 - аниқланмади	1
Фенолли-асосли алкалоидлар	0,56 – Лутедин 0,57 – аниқланмади 0,50 – Лутеицин 0,36 – Лутеинин 0,54 – Коллутин	3

### 3.8. Сариқ савринжон уруғидан алкалоидларни ажратиб олиш

Пельте ва Кавенту колхицинни биринчи мартта сариқ савринжоннинг илдиз меваларидан ажратиб олганлар. Бироқ бошқа олимлар бу алкалоидни ўсимликнинг уруғидан ажратиб олиш билан шуғулланишган. Бунга сабаб, ўсимлик уруғида унинг бошқа қисмларига қараганда кўпроқ алкалоид тутишидир. Сариқ савринжоннинг турли хил қисмларидағи колхициннинг миқдорини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, унинг миқдори ўсимлик танасининг турли қисмларидаги миқдори бир-биридан кескин фарқ қиласди. Масалан, ўсимликнинг уруғида колхициннинг миқдори 0,6-1,23 % га teng бўлса, унинг баргларида 0,2 %, илдизмеваларида эса 0,08-0,02 % ни ташкил этади.

2013 йил июнь ойида Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани “Қайроқ” қишлоғидан териб олинган сариқ савринжоннинг 0,6 кг миқдори 5 литр 3% ли сирка кислотаси эритмаси билан экстракция қилинди. Кислотали

экстракция бир кун давом эттирилиб, тахминан 3,6 л экстракт ажратиб олинди. Сўнгра бу иш тўрт кун давомида 3% ли уксус кислотасининг 4 литр (умумий 16 л) эритмаси билан олиб борилди. Натижада ҳаммаси бўлиб 23 л экстракт ҳосил қилинди.

Олинган экстрактнинг муҳити суюлтирилган сульфат кислота (1:1) эритмаси билан pH=1 гача келтирилди (жами 0,4 л сульфат кислота сарфланди). Сўнгра уч мартта, ҳар бири 4 литрдан эфир билан ювилди. Кучли кислотали муҳитга эга бўлган сувли экстракт тўрт мартта, ҳар бири 4 литрдан иборат бўлган хлороформ билан ювилди ва нейтрал ҳамда фенолли алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (Экстракт А).

Уксус кислотали эритма совутилиб, 25% ли аммиак эритмаси билан (pH=8 бўлгунча) ишқорий муҳитга келтирилди ва ҳар бири 3 литрдан бўлган хлороформ билан 5 мартта экстракцияланди. Бунда асосли ва феноласосли табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди (экстракт Б).

А ва Б хлороформли экстрактлар 400 мл қолгунча эритувчиларни буғлатиб бойитилди. Бунда фенолли-кислотали фракция алкалоидлари биринчи мартта фенолли ва кислотали алкалоидларга ажратилди. Бунинг учун хлороформли А экстрактдан олинган ишқорий ва сувли ажратмалар, совутилган ҳолда аввал сультерилиган сульфат кислота эритмаси билан (pH=1 бўлгунча), сўнгра аммиак билан (pH=8,5 бўлгунча) қайта ишланди, ҳамда тўрт мартта 140 мл дан хлороформ билан экстракцияланди. Бунда фенолли алкалоидлар фракцияси ҳосил бўлди. Қолган сувли эритмани кислотали муҳитга келтиргач кислотали табиатга эга бўлган алкалоидлар йиғмаси ажратиб олинди. Ўсимликнинг уруғидан ажратиб олинган алкалоидлар йиғмаси очиқ сариқ ранги бўдиб, унинг таркибида смоласимон моддалар деярли йўқлигини кўрастади. Алкалоидлар йиғмасининг асосий қисмини ташкил этган нейтрал ва фенолли қисмлар хроматографик усулда индивидуал моддаларга ажратилди.

Нейтрал табиатли алкалоидлар фракциясининг 3,45 грамм алюминий оксидида хроматографияланди. Элюат сифатида эфир ва эфир-

хлороформ (9:1, 2:1, 1:1), хлороформ ва хороформ-метанол (98:2) ва этилацетат системаларидан фойдаланилди. Оз миқдода бўлган, трополон халқаси тутмаган бирикмалар эфирли ва эфир-хлороформли элюатларда борлиги аниқланди. Хлороформ ва хороформ-метанолли (98:2) элюатларда 1,8 г колхицин ( $t_c=156-157$  °C) ҳамда этилацетатли элюатдан 0,14 г N-формилдезацетил-колхицин ( $t_c=262-263$  °C) ажратиб олинди. Сарик рангли фенолли алкалоидлар фракцияси хлороформда осон кристалланади. У асосан 2-деметилколхициндан иборат. Уни тозалаш учун 3,0 г фракция 30г алюминий оксидида хроматографияланди. Хлороформли ва хлороформ-метанолли (98:2) элюатлардан 2,42 г 2-деметилколхицин ( $t_c=262-263$  °C) ажратиб олинди.

# IVБОБ.COLCHICUM KESSELRINGI ВА COLCHICUM LUTEUM ЎСИМЛИКЛАРИ АЛКАЛОИДЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИНИ ЗАМОНАВИЙ ФИЗИК ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

